Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2026 ЙИЛ – МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2026 йил 11 ноябрь, № 237-238 (9408-9409) Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

АНТАЛИЯ САММИТИ ДОИРАСИДАГИ САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 ноябрь куни рафиқаси билан бирга амалий ташриф билан Анталия шаҳрига келди.



Халқаро аэропортда давлатимиз раҳбарини Туркий давлатлар ташкилоти Оқсоқоллар кенгаши раиси Бинали Йилдирим ва Туркиянинг расмий шахслари кутиб олди.

Анталия шаҳрида бўлиб ўтаётган БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг 31-сессияси доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Яшил иқлим фонди ижрочи директори Мафальда Дуарте билан учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида иқлим ўзгаришига мослашиш борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтириш ҳамда иқлим молияси маблағларини жалб этиш масалалари кўриб чиқилди.

Жамғарма билан шериклик алоқалари мустаҳкамланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди. Қўшма лойиҳалар портфели 200 миллион доллардан ошди.

Давлатимиз раҳбари Марказий Осиёда иқлим ўзгаришига чидамли ландшафтларни яратиш бўйича минтақавий дастур маъқулланганини олқишлади.

Мамлакатимиз молия институтларининг фонд ресурсларидан тўғридан-тўғри фойдаланиш имкониятини таъминлаш, Ўзбекистонда иқлимга оид, шу жумладан, Оролбўйини экологик жиҳатдан тиклаш ҳамда “яшил” шаҳарларни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли инвестиция дастурини шакллантириш муҳимлиги таъкидланди.

Учрашув якунида шерикликни мустаҳкамлаш ва янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди.

Давлатимиз раҳбари Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо билан ҳам учрашув ўтказди.

Мулоқот чоғида ушбу етакчи молиявий институт билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг амалий жиҳатлари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон олти йилдан буён ЕТТБнинг минтақадаги энг йирик молиявий ҳамкори бўлиб келмоқда. Лойиҳалар портфели 7 миллиард доллардан, 2025 йилда амалиётлар ҳажми илк бор 1 миллиард доллардан ошди.

Банкнинг “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси юқори баҳоланди. Унинг мамлакатимизга киритган сармояларининг қарийб 60 фоизи ушбу йўналишдаги лойиҳалар ҳиссасига тўғри келади.

Келгуси йил учун ҳамкорликнинг электр инфратузилмасини модернизация қилиш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат тармоқларини ривожлантириш, банк соҳасида хусусийлаштиришни амалга ошириш, Тошкент халқаро молия марказини ишга тушириш ҳамда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини илгари суриш каби устувор йўналишлари белгилаб олинди.

2027 йилда Хорижлик инвесторлар кенгашининг навбатдаги йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаҳон метеорология ташкилоти бош котиби Селеста Сауло билан учрашув ўтказди.

Суҳбатда иқлим ўзгаришини мониторинг қилиш, экстремал об-ҳаво ҳодисаларига нисбатан бардошликни ошириш ҳамда экологик вазиятни яхшилаш борасидаги ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

ЖМТ билан гидрометеорология инфратузилмасини модернизация қилиш, об-ҳавони кузатиш тизимларини такомиллаштириш, маълумот алмашиш каби йўналишларда кўп йилдан буён самарали ҳамкорлик қилиб келинаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Атмосфера мониторинги, қум ва чанг бўронларини прогноз қилиш ҳамда ҳаво сифатини таъминлаш соҳаларида ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш муҳимлиги таъкидланди.

Якунда иқлим кун тартибининг устувор йўналишлари бўйича амалий шерикликни кенгайтириш ва қўшма ташаббусларни амалга оширишга тайёрлик билдирилди.

Сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Грузия Президенти Михаил Кавелашвили билан учрашув ўтказди.

Ўзбекистон — Грузия стратегик шериклик муносабатларини янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Жорий йилнинг 2-3 июль кунлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг Грузияга давлат ташрифи якунлари бўйича эришилган келишувларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Икки мамлакат парламентлари, вазирликлари, идоралари ва ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқалар фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва қўшма корхоналар сони изчил ортиб бормоқда. Мамлакатимизда грузиялик инвесторлар иштирокида ташкил этилган рақамли банк фаолият юритмоқда.

Товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, саноат кооперациясини илгари суриш, туризмни ривожлантириш, транспорт-транзит салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда икки мамлакат ҳудудларини иқтисодий ҳамкорликка кенг жалб этиш бўйича мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Саудия Арабистони Подшоҳлигининг энергетика вазири ҳамда саноат ва минерал ресурслар вазири шаҳзода Абдулазиз бин Салмон Ол Сауд бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида вазир мамлакатимиз етакчисига Подшоҳ Салмон бин Абдулазиз Ол Сауд ва Валиаҳд, Бош вазир Муҳаммад бин Салмон Ол Сауднинг саломи ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон ва Саудия Арабистони кўп қиррали ҳамкорлиги ҳамда кенг кўламли шериклигини янада кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Мулоқот чоғида сўнгги йилларда алоқалар жадал ривожланиб, йирик лойиҳалар портфели шаклланган, шундан асосий қисми “яшил” энергетика тармоғига тўғри келаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Учрашувда нефть-газ, нефть-кимё, тоғ-кон саноати ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорликни янги босқичга кўтариш, аниқ амалий таклифларни ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилди.

11 ноябрь куни мамлакатимиз етакчиси БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича конференциясининг ялпи сессиясида иштирок этади.

ЎзА.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

---

11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни

ИНСОН ҚАДРИ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Айни кунларда мамлакатимиз бўйлаб 11 ноябрь — Ўзбекистон касаба уюшмалари куни муносабати билан қатор маънавий-маърифий тадбирлар, ижтимоий лойиҳалар ва байрам учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Пойтахтимизда уюштирилган ана шундай тадбирлардан бирида касаба уюшмалари тизимида амалга оширилган турли ижтимоий лойиҳалар ҳамда ташкил этилган танловлар ғолиблари тақдирланди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, унинг ҳудудий кенгашлари, тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашлари, тасарруфдаги ташкилотлар мутасаддилари, мамлакатимиз вилоятларидан ташриф буюрган касаба уюшма фаоллари қатнашди.

Тадбир аввалида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қ. Рафиқов иштирокчиларни байрам билан қутлаб, бугун халқимизнинг ўз кучи, имконияти, тарихи ҳамда буюк келажагига ишончи, қолаверса, инсон қадрини улуғлаш йўлидаги халқпарвар сиёсатини бутун дунё кўриб ва тан олиб турганини алоҳида таъкидлади.

Айни вақтда мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу ислоҳотлар замирида одамларнинг ҳаётидан рози бўлиб яшаши учун муносиб шароит яратиш мақсади мужассам эканини, бу эзгу ният, айниқса, меҳнат соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларда яққол намоён бўлаётганини қайд этди. Инсон қадрини улуғлаш, унинг меҳнат ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва даромад топишига кўмаклашиш Янги Ўзбекистон ислоҳотларининг энг муҳим йўналишларидан бири эканига алоҳида урғу берилди.

Айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси 8 миллиондан ортиқ аъзоларни ўз сафларида бирлаштирган. Бу катта имконият бўлиши билан бирга соҳа мутасаддилари зиммасига улкан масъулият ҳам юклайди.

➡ 4

Ўзбекистон — Корея:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Аввал хабар қилганимиздек, Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Корея Республикасида бўлиб турибди.

Учрашув

Ташриф доирасида Ўзбекистон делегацияси кеча Корея Республикаси Президенти Ли Чжэ Мён билан учрашди.

Мулоқот аввалида Сенат Раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Корея Республикаси Президентига самимий ва эзгу тилакларини етказди.

Икки мамлакат ўртасидаги алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлаш, парламентлараро алоқаларни ривожлантириш ва ҳамкорликни янада фаоллаштириш масалалари муҳокама қилинди. Айниқса, олий даражадаги келишувлар ижросини қонунчилик нуқтаи назаридан қўллаб-қувватлаш ҳамда парламент назоратини кучайтириш жиҳатларига урғу берилди.

Шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестициявий ва технологик ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан ҳам фикр алмашилди. Хусусан, қиймати қарийб 12 миллиард АҚШ долларини ташкил этган истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, саноат кооперацияси ва илғор технологияларни жорий этиш, ҳудудлараро алоқаларни ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, кадрлар тайёрлаш ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, Корея Республикасида меҳнат қилаётган ва таҳсил олаётган Ўзбекистон фуқаролари учун муносиб шароитлар яратиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Сенат Раиси Корея Республикаси Миллий Ассамблеясининг Маданият, спорт ва туризм қўмитаси раиси, “Корея — Ўзбекистон” парламентлараро ҳамкорлик гуруҳи раиси Ким Гё Хон билан ҳам учрашди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Корея ўртасида парламентлараро ҳамкорликни кенгайтириш, олий даражада эришилган келишувларнинг амалий ижросини таъминлаш масалалари муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик гуруҳлари фаолияти изчил ривожланиб, парламент қўмиталари даражасида мулоқот ўтказиш ва ўзаро тажриба алмашиш имкониятлари кенгаймоқда.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРГА ТАЯНГАН ИСЛОҲОТЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектини улуш киритиш асосида қуриш соҳасини ҳамда яйловлардан фойдаланиш борасидаги муносабатларни тартибга солиш, Шаҳарсозлик кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш, миграция ва персоналлаштириш фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳалари, шунингдек, парламент назорати фаолиятига оид масалалар муҳокама қилинди. Кун тартибидаги ушбу масалалар сиёсий партиялар фракцияларида, масъул қўмиталар, ишчи гуруҳ йиғилишларида экспертлар, тегишли вазирлик ҳамда идоралар мутахассислари иштирокида атрофлича муҳокама қилингани қайд этилди.

➡ 3

Конституция:

ЭРКИН ҲАЁТ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ



“Кун кунга ўхшамас”, дейди халқимиз. Ўтаётган ҳар бир кун жонажон Ўзбекистонимиз солномасини янги саҳифалар билан бойитмоқда. Кечагина пахтакорларимиз эришган беқиёс ютуқлардан қувонган бўлсак, тез орада жамиятимиз тараққиётининг ҳуқуқий таянчи — Конституция қабул қилинган кун юртимизда кенг нишонланади.

Президентимизнинг шу йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги фармойишида бу йилги байрам тадбирлари “Конституция — инсон қадри улуғланган эркин ҳаёт ва янги келажак пойдевори” деган бош ғоя асосида нишонланиши белгилангани бежиз эмас.

Бугун раҳбардан тортиб оддий ишчию механизатор, ҳунар эгасию зиёлидан сўранг, ўз ҳаётидан тўлқинланиб сўзлайди. Ислоҳотлар кўлами турмушида, оиласи, маҳалласи кечмишида нечоғли ўзгаришлар ясаганини аниқ мисоллар билан ҳикоя қилади. Чунки элимиз Бош қомусимиз туфайли ўз қадрини тиклади, ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатига эга бўлди. Озод яшаш, соғлигини тиклаш, таълим олиш, хоҳлаган динига эътиқод қилиш, ўз фикрини эмин-эркин билдириш имконияти ҳар бир инсоннинг бахт-саодатга эришишига замин яратмоқда.

“Халқ дейдики...” саҳифасидаги юртдошларимизнинг мушоҳадалари, мулоҳазалари, талқин ва таҳлиллари айнан шу ҳақда.

6-саҳифага қаранг. ➡

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 11 ноябрь

Ўзбекистон — Корея:

СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК КЕНГАЙМОҚДА

1 Мулоқот чоғида Корея халқаро ҳамкорлик агентлиги (KOICA) кўмагида Олий Мажлис палаталарида амалга оширилаётган “Электрон парламент” лойиҳасига алоҳида урғу қаратилди. Мазкур лойиҳа доирасида парламент фаолиятини рақамлаштириш, маҳаллий Кенгашлар билан электрон ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий технологиялар, жумладан, сунъий интеллект имкониятларидан фойдаланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўз навбатида, маданият, туризм ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, ҳудудлар ўртасида тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантириш, ёш парламент аъзолари ўртасида тажриба алмашиш ва қўшма ташаббусларни илгари суриш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Учрашувда 2027 йилда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 35 йиллиги ҳамда корейс диаспорасининг Ўзбекистонда истиқомат қилаётганига 90 йил тўлиши муносабати билан қўшма парламент тадбирларини ташкил қилиш муҳимлиги қайд этилди.

ҚЎШМА ТЕХНОЛОГИК ЛОЙИҲАЛАР ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси Корея Республикасидаги расмий тадбирлар доирасида қатор учрашувлар ўтказди.

Ҳамкорлик

Делегация аъзоларининг шундай мулоқотларидан бири “Seoul Startup Hub Gongdeok” стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари Ким Чон У билан бўлиб ўтди. Унда стартап-экотизимни ривожлантириш, инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш ва технологик компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

Ким Чон У Ўзбекистонда IT соҳасини ривожлантириш учун яратилган қулай шарт-шароитларни, малакали мутахассислар салоҳиятини, хорижий стартаплар учун соддалаштирилган виза тартиблари ва институционал қўллаб-қувватлаш механизмларини юқори баҳолади.

Мулоқотда икки мамлакат технологик компаниялари ўртасида амалий ҳамкорликни кенгайтириш учун мавжуд имкониятлар хусусида ҳам фикр алмашилди. Хусусан, Жанубий Корея стартапларини Ўзбекистонга жалб этиш, қўшма технологик лойиҳаларни амалга ошириш, инновацион ишланмаларни тижоратлаштириш ҳамда мамлакатимизни Марказий Осиё бозорига чиқиш учун минтақавий платформа сифатида ривожлантириш истиқболларига эътибор қаратилди.

Шунингдек, Ўзбекистон вакилларини марказнинг халқаро дастурларига кенг жалб қилиш, йирик бизнес ва стартап лойиҳалар ўртасида “Open Innovation” тамойили асосида ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, икки мамлакат стартапларининг Ўзбекистондаги “Land of Startups” ва Жанубий Кореядаги “Try Everything” танловларида иштирокини таъминлаш бўйича таклифлар билдирилди.

«Халқ сўзи».

ДЕПУТАТ МАҚОМИ — ЖАМИЯТ МЕЗОНИ

Депутатнинг жамият олдидаги бурч ва вазифаси ҳақида ҳаммамиз яхши биламиз. Лекин менинг назаримда, депутатнинг мақоми жамият тараққиётини кўрсатувчи ва келажагини белгиловчи мезон ҳисобланади. Негаки, у — халқ вакили, уни сайловчилар ўз нуқтаи назарларига мос бўлганлиги учун танлашган. Депутат сиёсий партияларнинг ҳокимият учун курашиши жараёнида халқнинг иродасини ифодалайди, партия низомидаги ғояларнинг амалиёти учун курашади. У халқ билан давлат ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтайди.

Маҳаллий Кенгашларда

Ана шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ўзбекистондаги демократик ислоҳотлар худди шу мақсаднинг амалга оширилишига йўналтирилган. Босқичма-босқич рўёбга чиқаётган янгиланишлар, табиийки, депутатнинг ҳам, сайловчининг ҳам нуқтаи назарини ўзгартирмоқда. Буни вилоятимиз маҳаллий Кенгашлари фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, йил бошидан буён халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 14 та сессияси ўтказилиб, 214 та қарор қабул қилинди. Кенгашдаги доимий комиссияларнинг 58 та йиғилишида 228 та масала кўриб чиқилди.

Давлатимиз раҳбари қайси вилоятга ташриф буюрмасин, албатта, депутатлар билан мулоқот қилиши, уларнинг фикрларини инобатга олиши сиёсий ислоҳотларга ўзгача жўшқинлик бағишлаётир. У кишининг ташаббуси билан маҳаллий Кенгашлар мустақиллигини таъминлаш эса фаолиятимизни янги босқичга олиб чиқди, десак, хато бўлмайди. Чунки бунда йиллар давомида тараққиётимизга тўғоноқ бўлиб келган тўсиқларга барҳам берилди. Маҳаллий Кенгашлар ва ижро ҳокимияти ваколатлари, вазифалари қонун йўли билан нормага киритилди. Маҳаллий Кенгаш раиси, унинг ўринбосари, ходимлари штатлари жорий қилинди, алоҳида бинолар ажратилди. Қисқача айтганда, маҳаллий Кенгашлар мустақил сиёсий куч сифатида майдонга чиқди. Ана шу имконият уларнинг ҳудудда йиллар давомида тўпланиб қолган ва бугунги кунда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишдаги фаоллигини кучайтирди. Бинобарин, бугун маҳаллий Кенгашлар — чинакам мулоқот майдони. Улар депутатлар фаолиятини ташкил этади, мониторинг ўтказади, лойиҳалар ижросини ўрганишда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳлари билан ҳамкорлик қилади.



Маҳаллий Кенгаш сессиялари эндиликда тўғридан-тўғри сайловчиларга намойиш этилмоқда. Доимий комиссиялардаги муҳокамаларда жамоатчилик вакиллари, соҳа ходимлари ҳам қатнашади. Ҳар бир ижро ҳокимияти раҳбари депутатлар олдида ўз соҳасига оид лойиҳалар ижроси юзасидан ҳисоб бериб боради. Шу йилнинг ўзида сессияларимизда 20 дан зиёд ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди. Муҳокамалар жиддий тус олади. Депутатлар ўз сайлов округларидаги муаммоларни очиқ-ойдин айтмоқда, унга аниқ жавоб сўрашади. Маълумот учун айтсак, иккита ташкилот раҳбарининг ҳисоботини эшитиш жараёнида улар сессияга яхши тайёргарлик кўриб келмагани учун қабул қилинмади. Бу ҳолат ҳам ижро ҳокимияти раҳбарларининг масъулиятини оширади.

Депутатлик сўровлари масаласида ҳам янгича тасаввурлар шаклланди. Хусусан, депутатлик сўрови ижроси таъминланмаганда бу ҳолатга нисбатан жавобгарликнинг белгиланиши унинг мақомига яхши таъсир қилди. Жорий йилнинг ўзида вилоят Кенгаши вакиллари томонидан 419 та депутатлик сўрови юборилди, 100 та ўрганиш ва 115 та назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилди. Юборилаётган депутатлик сўровларига ўз вақтида жавоб оляпмиз, муаммолар ечим топяпти. Депутатларимиз ташаббусли бюджет ҳаракатида энг яқин маслаҳатчига айланган. Бундан ташқари, ҳудудларни обод қилишга доир лойиҳаларнинг ташаббускорлари бўлмоқдалар. Уларнинг ҳаракати билан жойларда турли дастурлар амалга оширилаётир.

Дарвоқе, яна бир масала. Икки йилдан буён халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари томонидан ўз сайлов округи ҳудудидаги ва сайловчиларини қийнаб келаётган муаммоларни ҳал этишга йўналтириш мақсадида маҳаллий бюджетдан икки миллиард сўм маблағ ажратилмоқда. Депутатлар бу пулни кўпчиликнинг эътиборидан қолган ёхуд муолажаси, жарроҳлиги ўта муҳим бўлган беморлар саломатлигини тиклашга йўналтирмоқда. Биргина жорий йилда халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутатлари сўрови ва тавсияси асосида 100 нафар беморда юқори технологик жарроҳлик амалиётлари бажарилди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти ташаббуси билан “Депутатлар минбари” кўрсатуви ташкил этилди ва ҳар ҳафта вилоят телевидениесида, ижтимоий тармоқларда намойиш қилиняпти. Бу кўрсатув маҳаллий Кенгашлар депутатлари учун чинакам минбарга айланиб, улар нафақат депутатлик фаолияти ҳақида маълумот бермоқда, балки жамият ҳаётидаги муҳим масалаларга ҳам муносабатини билдирмоқда, муаммоларни қайд этиб, уларнинг ечимини таклиф қилмоқда.

Депутатларимиз жойларда маърифий марказлар, кутубхоналар очилишига ҳам бош-қош бўлмоқда. Дарвоқе, вилоят Кенгаши депутатлари ижтимоий тармоқдаги махсус мулоқот гуруҳида депутатлик сўровлари, сессия қарорлари ижроси ёки юзага келган муаммолар кўрсатиб борилади. Ана шу маълумотлар асосида кўплаб ташкилотлар раҳбарлари фаолиятига баҳо берилади.

Кейинги пайтларда сиёсий партиялар депутатлик гуруҳларининг ҳам фаоллиги ошди. Илгари улар у ёки бу идора раҳбарининг ахборотини эшитган, холос. Эндиликда сиёсий партиялар вилоят Кенгашларида, депутатлик гуруҳларида аниқ лойиҳалар, дастурлар ижроси юзасидан ҳисоботлар эшитиляпти. Ҳисоботдан олдин ишчи гуруҳ ана шу лойиҳа ижросини бевосита ўрганиб қайтяпти. Натижада муҳокама хулосаси доимий комиссиялар ёки сессия кун тартибига қўйилмоқда. Шунингдек, улар томонидан йил якунига кўра энг фаол депутатлар аниқланиши, рағбатлантирилиши, аксинча, кўнгилдагидек ишламаган депутатларнинг кўрсатиб ўтилиши фаолиятимизнинг жонланишига сабаб бўлаётир.

Маҳаллий Кенгашлар бугун минтақаларда фаол сиёсий кучга айланди. Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги долзарб лойиҳаларда қатнашмоқда. Хорижлик экспертлар ҳам Самарқандга ташрифи чоғида бундай жараён билан яқиндан танишиб, Ўзбекистондаги демократик тараққиётга муносиб баҳо бермоқда.

Фармон ТОШЕВ,
халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгаши депутати.

Ялпи мажлисда муҳокама қилинган

ТЎКИНЧИЛИК ОРТИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисларида муҳокама қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти бир-биридан фарқ қилса-да, уларни ягона бир нуқта бирлаштиради: барча қонунлар инсон ва унинг соғлиги, ҳақ-ҳуқуқлари билан боғлиқ.

Дейлик, дўкон пештахтасида турган бир маҳсулотнинг хавфсизлиги, чорвада тарқалиши мумкин бўлган касалликнинг олдини олиш ёки ариқ ва каналларга оқизилаётган сувнинг ҳолати бир-бирига алоқадор бўлмаган масалалардек кўринади. Аслида эса уларнинг барчаси инсон ҳаёти ва саломатлиги, атроф-муҳит ҳамда жамият хавфсизлиги билан бевосита боғлиқ.

Сенатнинг 20-ялпи мажлисида муҳокама қилинган қонунлар ана шу масъулият занжирининг турли бўғинларини аниқлаштиришга қаратилгани билан аҳамиятли.

Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласининг энг муҳим жиҳати — унинг инсон ҳаётига бевосита таъсири. “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонунни муҳокама қилиш жараёнида қайд этилганидек, иқлим ўзгариши, сув танқислиги, қурғоқчилик, чўлланиш ва ерларнинг деградацияси озиқ-овқат етиштириш жараёнини тобора мураккаблаштирмоқда. Шу шароитда озиқ-овқат хавфсизлигига фақат маҳсулотни тайёрлаш ёки уни савдо растасига чиқариш нуқтаи назаридан қараш кифоя эмас. Хомашёни етиштиришдан тортиб қайта ишлаш, сақлаш, ташиш ва истеъмолчига етказишгача бўлган бутун занжир назоратда бўлиши керак.

Маъқулланган қонуннинг муҳим жиҳатларидан бири ҳам шунда. Унда хавфларни таҳлил қилиш ва критик назорат нуқталари тизими асосида доимий тартибларни ишлаб чиқиш, жорий этиш ва қўллаш талаблари назарда тутилмоқда.

Бу ердаги эътиборли нуқта назорат ҳуқуқбузарлик содир бўлгандан кейин эмас, хавф пайдо бўлишидан олдин бошланиши кераклигидир. Чунки хавфли маҳсулот бозорга чиқиб бўлганидан кейин уни аниқлаш, мусодара қилиш ёки жарима солиш муаммонинг оқибати билан курашиш ҳисобланади. Асосий мақсад эса хавфнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик.

Истеъмолчи учун ўта оддий, аммо энг муҳим кафолатлардан бири — маҳсулотда ишлаб чиқарилган сана ва яроқлилик муддатининг кўрсатилгани. Айрим савдо нуқталарида инсон саломатлигига тўғридан-тўғри таъсир этувчи, ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган маҳсулотлар бемалол сотилаётганлиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Маълумотларга кўра, 2024 йилда яроқлилик муддати ўтган маҳсулотлар савдоси билан боғлиқ 24 195 та, 2025 йилда 25 316 та ҳолат қайд этилган. 2026 йилнинг биринчи ярмида эса бундай ҳолатлар 13 325 тани ташкил этмоқда, уларнинг 95 фоизи озиқ-овқат маҳсулотларига тўғри келади. Бу рақамларнинг ўзиёқ масаланинг фақат назорат эмас, масъулият муаммоси эканини кўрсатади.

Амалдаги қонунчиликда бундай маҳсулотларни сотганлик учун белгиланган таъсир чоралари етарли эмаслиги боис “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокамага тортилди. Унда озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига оид талабларни бузганлик учун маъмурий жавобгарликни қайта кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарликларни аниқ таснифлаш, маҳсулотни реализация этганлик билан бир қаторда уни сотиш учун қабул қилганлик учун ҳам таъсирчан жавобгарлик белгилаш, такрорий ҳуқуқбузарликларга нисбатан кучайтирилган чораларни жорий этиш белгиланди. Маъмурий жавобгарликни кучайтириш билан бирга маҳсулотни сотиш учун қабул қилган субъектнинг ҳам масъулияти белгиланиб, қайта содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун янада юқори жарималар назарда тутилмоқда. Масаланинг моҳияти жарима миқдорида ҳам эмас. Асосий масала — савдо занжирида “мен фақат қабул қилдим” ёки “мен фақат сотдим” деган масъулиятсизликка чек қўйиш.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммоси ветеринария назорати билан чамбарчас боғлиқ. Айниқса, ҳайвонларга мансуб маҳсулотлар билан боғлиқ хавфлар ўз вақтида аниқланмаса, унинг оқибати анча аянчли бўлиши мумкин.

Шу нуқтаи назардан, “Давлат ветеринария назорати такомиллаштирилиши муносабати билан “Ветеринария тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонунда профилактикага урғу берилмоқда.

Мазкур ҳужжатнинг яна бир муҳим жиҳати — хавфни ҳудудлар бўйича бошқариш. Яъни ҳайвонларнинг юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш учун ҳудудларни зоналар ва кичик ҳудудларга ажратиш ва уларнинг хавфсизлик тоифаларини белгилаш. Демак, ветеринария назорати ҳам касаллик пайдо бўлгач ҳаракат қиладиган тизим эмас, хавфни олдиндан аниқлайдиган ва бошқарадиган тизимга айланиши керак.

Ялпи мажлисда муҳокама қилинган муҳим қонунлардан яна бири сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ масъулиятни кучайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон шароитида бу масаланинг аҳамиятини ортиқча изоҳлаш шарт эмас. Сув танқислиги кучайиб бораётган шароитда ҳар бир кубометр сувнинг ҳисобини юритиш, унинг сифатини назорат қилиш ва ифлосланиш манбасини аниқлаш стратегик вазифага айланмоқда.

Мамлакатимизда 174 минг километрлик ирригация ва суғориш тармоқлари, 144 минг километрлик коллектор-дренаж тармоқлари, 74 та сув ва сел-сув омбори, 11 538 та насос станцияси ҳамда 100 мингдан ортиқ сув олиш жойлари мавжуд. Бундай улкан инфратузилмани самарали бошқариш учун фақат “масъул ташкилот бор” деган умумий ёндашувнинг ўзи кифоя эмас. Ҳар бир объект, ҳар бир жараён ва ҳар бир вазифа учун аниқ масъул шахс бўлиши керак.

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун муҳокамасида ана шу муаммога урғу берилди: амалда айрим ҳолатларда ҳуқуқбузарлик учун бевосита масъул шахс эмас, балки корхона ёки ташкилотнинг мансабдор шахси жавобгарликка тортилаётгани қайд этилди. Бу эса ҳар қандай бошқарув тизими учун масъулият кимнинг зиммасида экани аниқ бўлмаса, қоидабузарлик учун ким жавоб беради деган жиддий саволни ўртага қўяди.

Гап сув ресурслари ва ундан тежамкор фойдаланиш ҳақида борганда яна бир оғриқли томон — оқова сувлар муаммоси пайдо бўлади. Албатта, улар ўз-ўзидан ҳосил бўлмайди. Унда ҳар биримизнинг ҳиссамиз бор. Қолаверса, маҳсулот яратиш эвазига ифлос сувларни чиқараётган корхоналар ҳам борки, уларнинг табиатга келтираётган зарари анча салмоқли. Маълумотларга кўра, меъёрдан юқори даражада ифлосланган оқова сувлар чиқараётган корхоналар сони 2023 йилда 1 505 та, 2024 йилда 1 864 та, 2025 йилда эса 2 394 тани ташкил этган.

Бу жуда ачинарли, ҳатто кишини қаттиқ ташвишга соладиган ҳолат. Чунки саноат корхонаси учун оқова сув — ишлаб чиқариш жараёнининг бир қисми. Аммо унинг меъёрдан ортиқ ифлосланиши жамият учун экологик хавф, аҳоли учун эса саломатлик муаммосига айланади.

Бир корхонанинг тежамкорлиги ёки технологик интизомсизлиги натижасида келиб чиққан зарарни бутун жамият кўтариши адолатдан эмас. Шунинг учун муҳокама қилинган қонунда оқова сувлар билан боғлиқ талабларни бузганлик учун, айниқса, такрорий ҳуқуқбузарликларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Бу ерда ҳам мақсад фақат жазолаш эмас. Корхона ўз фаолиятининг экологик оқибатини олдиндан ҳисобга олишига мажбур бўладиган тизимни шакллантириш муҳим.

Сенат муҳокамаларида кўтарилган масалаларга назар ташласак, уларнинг барчасида умумий муаммо кўзга ташланади: нормаларни белгилаш билан иш битмайди. Амалда бўлган, ўзгартириш киритилаётган қонунларда ҳам кўплаб меъёрлар белгиланган. Аммо улар ишламаган. Демак, муҳокама қилиниб маъқулланаётган қонунлар олдидаги энг катта вазифа — янги талаблар қўйиш эмас, уларнинг ишлашини таъминлаш.

Сенатнинг 20-ялпи мажлисида кўриб чиқилган қонунларнинг мазмунидан кўринадики, мамлакатда хавфсизликка ёндашув тобора профилактикага кўчмоқда. Озиқ-овқат хавфсизлигида — хавфни таҳлил қилиш, ветеринарияда — касалликларнинг олдини олиш, сув соҳасида — ҳисоб, сифат назорати ва масъулиятни кучайтириш устувор йўналиш сифатида белгиланмоқда.

Истеъмолчи дўкондан маҳсулот сотиб олганда унинг хавфсизлигига ишониши, фермер чорва молини сақлаганда ветеринария талабларига риоя қилиши, корхона эса оқова сув чиқараётганда унинг экологик оқибатини ҳисобга олиши шарт. Масъул шахс ўз вазифасини бажармаса, бунинг учун кимдир эмас, айнан ўзи жавоб беришини ҳис қилиши керак. Шундагина қонун қоғоздаги талабдан кундалик ҳаётдаги хавфсизлик кафолатига айланади.

Ушбу қонунларда тилга олинган йўналишлар бутун жамият фаровонлигининг бир-бирига боғланган устунларидир. Шу маънода, озиқ-овқат хавфсизлиги — бу шунчаки дастурхон тўкинлиги эмас, балки миллат саломатлиги, жамият осойишталиги ва давлат барқарорлигининг муҳим кафолати. Чунки хавфсиз озиқ-овқат соғлом авлод, барқарор иқтисодиёт ва фаровон ҳаёт учун мустаҳкам замин яратади.

Ҳамроқул ҚАРШИЕВ
(«Халқ сўзи»).

Сенаторлар — ҳудудларда

ШАФФОФЛИК ВА АНИҚЛИК МОҲИЯТИ — РАҚАМЛАШТИРИШДА

Рақамлаштириш — бугунги кун талаби. У ҳаётимизнинг барча соҳасига кириб келмоқда. Бундан юртимиздаги бозорлар ҳам мустасно эмас.

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзоси Зумрад Бекатова ҳамда сенатор Мойра Тошова Бухоро марказий бозори савдо мажмуасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилиши ҳолатини ўрганди.

Асосий эътибор тизимни рақамлаштириш, маиший коррупциянинг олдини олиш, нақд пул айланмаси шаффофлигини таъминлаш ҳамда сотувчи ва харидорлар учун яратилган шароитларга қаратилди.

Хусусан, бозорда ташкил этилган Ситуацион таҳлил марказидаги техник воситаларнинг реал вақт режимида ишлаш самарадорлиги, мурожаатларга тезкор жавоб қайтариш тизими, шунингдек, ички ишлар, тиббий ёрдам ва ФВВ хизматлари билан интеграциялашув механизмлари атрофлича кўздан кечирилди.

Рақамлаштириш натижасида марказ орқали савдо расталарининг умумий сони ва бўш жойлар ҳолати, кунлик, ҳафталик ҳамда йиллик патта тушумларининг электрон ҳисоби, видеокузатув қурилмаларининг техник ҳолати, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини онлайн кузатиш имконияти яратилган.

Сенаторлар нақд пул айланмасини назорат қилиш мақсадида расталарга QR-код ўрнатиш бўйича амалиётга татбиқ этилган ижобий тажриба ва ситуацион марказнинг ишлаш услуби иқтисодий шаффофликни таъминлашини ва “хавфсиз бозор” тамойилини тўлиқ жорий этишга хизмат қилишини алоҳида таъкидлашди.

Мулоқот давомида савдо ходимларининг кайфияти ва ижтимоий шароитлари ўрганилиб, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашда фуқаролар иштирокини кенгайтириш масалаларига алоҳида урғу берилди.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистон ва Туркия Анталия шаҳрида БМТнинг Иқлим ўзгариши бўйича Ҳадли конвенцияси томонлари конференциясининг 31-сессияси (COP31) тадбирлари доирасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолади.

МУСТАҲКАМ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРГА ТАЯНГАН ИСЛОҲОТЛАР



Фуқароларнинг уй-жой қурилишига берган маблағлари қонун билан ҳимоя қилинади

Мажлисда дастлаб “Кўп квартирали уйларни ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Ушбу ҳужжат билан кўп квартирали уйлар ва бошқа кўчмас мулк объектларини улуш киритиш асосида қуриш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинмоқда. Унда улушли қурилиш муносабатлари иштирокчиларининг, давлат органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ваколатлари, ўзаро муносабатларига оид қоидалар аниқ белгиланяпти.

Қайд этилганидек, Президентимизнинг 2025 йил 27 январдаги фармони билан улушли қурилишда “эскроу” тизими босқичма-босқич жорий этилмоқда. Хусусан, 2025 йил 1 июлдан улушдорлар маблағларини “эскроу” ҳисобварақлари орқали жалб қилиш тарафларнинг танловига кўра ихтиёрий асосда амалга оширилмоқда. Бу тизим ҳозирда ҳам ишлаб турибди ва фуқаролар уй-жой сотиб олишда ундан фойдаланиши мумкин.

Фармонда 2026 йил 1 январдан маблағларни фақат “эскроу” ҳисобварақлари орқали жалб этиш кўзда тутилган. Қонун лойиҳаси билан фуқаролар маблағларини ҳимоялаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий кафолатлар яратилмоқда.

Лойиҳада фуқароларнинг улушли қурилишга киритган маблағларининг кафолатли ҳимоя қилиниши механизмлари белгиланмоқда. Жумладан, уларнинг пул маблағлари тўғридан-тўғри қурувчи ихтиёрида эмас, балки банкларда очиладиган “эскроу” ҳисобварағи орқали сақланади. Қурилиш белгиланган талаблар асосида амалга оширилиб, объект фойдаланишга топширилганидан сўнг маблағлар қурувчига ўтказилади.

Ҳужжатда қурувчи (девелопер) фақат қонунда белгиланган талабларга жавоб берган, Ягона ахборот тизимида рўйхатдан ўтган, ваколатли банк билан бош битим тузган ва лойиҳа декларациясини эълон қилган тақдирдагина аҳоли маблағларини жалб этиш ҳуқуқига эга бўлиши белгиланмоқда. Бундан ташқари, улушли қатнашиш шартномаси нотариал тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади. Бу бир объектнинг такроран сотилиши, ноқонуний шартномалар тузилиши каби ҳолатларнинг олдини олади.

Лойиҳада қурувчи қонун талабларига зид равишда фуқаролар маблағларини жалб қилган тақдирда, улушдор ушбу маблағларни қайтаришни ва улардан фойдаланилганлик учун фоиз тўланишини талаб этиш ҳуқуқига эга бўлиши назарда тутилмоқда. Шунингдек, қурилиш лойиҳаларини ўз вақтида якунига етказишга қаратилган таъсирчан механизмлар ҳам белгиланяпти. Жумладан, зарур ҳолларда ваколатли банкни ёки қурувчини алмаштириш, қурилишнинг узлуксиз молиялаштирилишини таъминлашга қаратилган молиявий механизмлар яратилмоқда. Бу эса қурилишнинг тўхтаб қолишининг олдини олиш ва улушдорлар манфаатларини ишончли ҳимоялашга хизмат қилади.

Лойиҳага кўра, улушли қурилиш ҳақидаги маълумотлар Ягона ахборот тизимига жойлаштирилади. Бу орқали фуқаролар қурувчи, қурилиш объекти ва лойиҳанинг амалга оширилиши ҳақидаги муҳим маълумотлар билан очиқ ва осон танишиш имконига эга бўлади. Шу тариқа бу борада замонавий, шаффоф ва самарали тизим яратилади.

Мажлисда масъул қўмита — Тадбиркорлик, рақобатни ривожлантириш ва саноат масалалари қўмитаси томонидан қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида амалга оширилган ишлар ҳақида маълумот берилди.

Шокиржон АҲМЕДОВ, қўмита аъзоси:



— Қонун лойиҳасининг амалий аҳамиятини ўрганиш мақсадида бевосита қурилиши олиб борилаётган кўп квартирали уйлар, қурилиш жараёни ва улушдорлар билан ишлаш ҳолати жойида кўриб чиқилди, улушдорлар ва қурувчиларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди. Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммолар лойиҳани такомиллаштиришда асос бўлиб хизмат қилди.

Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлашда улушдорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилди. Сайловчилар, оммавий ахборот воситалари, қурувчилар ва девелоперлар, банк-молия тизими вакиллари, соҳага дахлдор бошқа субъектлар билан мулоқот қилиниб, уларнинг фикр ҳамда таклифлари ўрганилди. Билдирилган мулоҳазалар синчковлик билан таҳлил қилиниб, уларни қонун лойиҳасида акс эттириш масалалари кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, илғор хорижий тажриба таҳлил қилиниб, бу соҳада фуқаролар ҳуқуқларини кафолатловчи механизмлар назарда тутилмоқда. Амалга оширилган ишлар натижасида лойиҳа матни янада такомиллаштирилиб, унга қатор ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, улушли иштирок этиш шартномаси ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар нотариал тасдиқланиши шарти белгиланди. Бу улушдор билан норасмий “қўшимча келишув” тузиб, шартнома шартларини ўзгартириш ҳолатларининг олдини олади.

Шунингдек, уйни топшириш муддати бузилганда объектни муаммоли, деб топиш учун яна олти ой кутиш талаб этилмаслиги назарда тутилди. Қурувчининг камчиликларни бартараф қилмасдан, фақат товон тўлаш йўли билан муаммоли объектлар реестридан чиқиб кетишига йўл қўйилмаслиги белгиланди.

Тадбиркорлардан қонунда назарда тутилмаган ҳужжатлар талаб қилинишининг олдини олиш мақсадида ноаниқ бўлган “қўшимча маълумотлар” шаклидаги нормалар чиқариб ташланди, ўндан ортиқ ҳаволаки норма бўйича қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш муддатлари аниқ белгиланди.

Ўтиш тартиби назарда тутилиб, қонун кучга кирганидан кейин қурилишига рухсатнома олинган объектларга нисбатан татбиқ этилиши белгиланди. Бу қонуннинг ишлашида муаммоларнинг олдини олиб, амалдаги қурилишларнинг тўхтаб қолиши хавфини камайтиради.

Бундан ташқари, амалдаги қонунчилик ҳужжатларидан келиб чиқиб, лойиҳага яна кўплаб юридик ва таҳририй ўзгартишлар киритилди. Хусусан, қонун лойиҳасидаги тушунчалар ва моддалар қайта таҳрирланиб, аниқлаштирувчи тузатишлар киритилди, такрорланувчи ва мазмунан ўхшаш моддалар ўзаро бирлаштирилди. Бу қонун нормаларининг аниқ, тушунарли ва тўғридан-тўғри амал қилишини таъминлайди.

Мажлисда қонун лойиҳаси қизғин муҳокама этилди. Мунозараларда қатор савол ҳамда таклифлар ўртага ташланди. Жумладан, депутатлар мазкур ҳужжатнинг аҳамияти ва заруратини эътироф қилган ҳолда унда белгиланаётган ҳуқуқий механизмлар кўзланган мақсадларга тўлиқ мувофиқ бўлиши лозимлигига эътибор қаратди. Шунингдек, улушли қурилишни молиялаштириш манбаларига оид нормаларни янада аниқлаштиришга оид мулоҳазалар билдирилди.

Мутасаддилар, соҳа вакиллари кўтарилган масалалар юзасидан батафсил тушунтириш бериб ўтди. Қайд этилганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фуқароларнинг уй-жой қурилишига киритган маблағларини ишончли ҳуқуқий ва молиявий механизмлар орқали ҳимоялашга, бу борада замонавий, самарали ва шаффоф тизим яратишга, маблағларни қонунда белгиланмаган усулда жалб этиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Шаҳарсозлик кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда

“Урбанизация соҳаси такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда аҳоли учун қулай яшаш муҳитини яратиш, шаҳарсозлик соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, урбанизация жараёнларини ривожлантириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси билан урбанизация жараёнларини ҳисобга олган ҳолда шаҳарларнинг жамият ва иқтисодиёт ривожидаги ролини ошириш, аҳолининг турмуш тарзини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ҳамда экологик муҳитни ва шаҳар инфратузилмасини янада яхшилаш, аҳоли пунктларини ҳудудларни комплекс ривожлантириш асосида мутаносиб режалаштириш шаҳарсозликда асосий принциплар сифатида белгиланмоқда.

Шунингдек, урбанизация соҳасида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш, Ўзбекистон Республикаси Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш миллий қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Шаҳарсозлик кодексида аниқ кўрсатилмоқда.

Қонун лойиҳаси билан шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг бош режалари, батафсил режалаштириш лойиҳалари ҳамда мастер-режаларини келишиш, урбанизация жараёнларини мувофиқлаштириш билан боғлиқ нормалар аниқлаштирилмоқда.

Хусусан, урбанизация жараёнларини ҳисобга олиш ва қулай инфратузилмаларни яратишни таъминлаш мақсадида йирик ва аҳамиятли туризм, бизнес, маданият, спорт ҳамда аҳолини фаол жалб қилишга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳуқуқий асослар белгиланмоқда.

Одилжон МАМАДАЛИЕВ, Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси аъзоси:



— Қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатлар томонидан билдирилган таклифлар асосида унинг нормалари такомиллаштирилиб, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилди. Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши урбанизация жараёнларини самарали бошқариш, ҳудудларни мутаносиб ривожлантириш, шаҳарсозлик соҳасида идоралараро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда аҳоли учун қулай ва экологик барқарор яшаш муҳитини шакллантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Миграция ва персоналлаштириш фаолияти такомиллаштирилмоқда


Депутатлар “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига миграция ва персоналлаштириш бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқди.

Ушбу ҳужжат миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги ташкилий ўзгаришларни қонунчиликда акс эттириш, ваколатли давлат органларининг номланиши ва ваколатларини ўзаро мувофиқлаштириш, иш берувчиларнинг чет эл фуқаролари учун меҳнат фаолияти ҳуқуқига доир тасдиқномаларни олиш юзасидан мурожаат қилиш имкониятларини кенгайтириш, давлат хизматлари кўрсатишда қўшимча қулайликлар яратиш ҳамда соҳада ҳуқуқий аниқликни таъминлашга қаратилган.

Мажлисда қайд этилганидек, қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида масъул қўмита томонидан депутатлар билдирган таклиф ва мулоҳазалар атрофлича кўриб чиқилиб, унинг айрим нормалари янада аниқлаштирилди.

Муҳокама давомида қонун лойиҳаси юзасидан депутатлар томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазалар, шунингдек, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб, айрим нормалар янада такомиллаштирилгани таъкидланди.

Жуманазар ОТАЖОНОВ, Халқаро ишлар, мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси:



— Қонун лойиҳаси бугунги кунда долзарб аҳамиятга эга бўлиб, унинг қабул қилиниши қонунчиликни ўзаро мувофиқлаштиришга, миграция ва персоналлаштириш соҳасидаги муносабатларни замонавий талаблар асосида тартибга солишга, фуқаролар ва иш берувчилар учун қулайликлар яратишга, ҳуқуқни қўллаш амалиётини бирхиллаштиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Фуқаролар ва тадбиркорлар манфаатларини суд орқали ҳимоялаш кафолатлари кучайтирилади

Мажлисда “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳаси суд амалиётида аниқланган ҳуқуқий бўшлиқлар ва қарама-қаршиликларни бартараф этиш, фуқаролар ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга қаратилган.

У билан Фуқаролик процессуал кодексига, “Давлат божи тўғрисида” ҳамда “Тўловга қобилиятсизлик тўғрисида”ги қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда. Хусусан, фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларидаги нотўғриликларни суд тартибида аниқлаш билан боғлиқ ишларни кўриб чиқишнинг аниқ процессуал тартиби белгиланмоқда. Бу фуқароларнинг ортиқча оворагарчилигини камайтириш, ўз ҳуқуқларини тиклаш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, қонун лойиҳасида тўловга қобилиятсизлик ишлари доирасида суд бошқарувчиси ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган тақдирда, унга тўланадиган ҳақ миқдорини камайтириш, айрим суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш имкониятларини кенгайтириш, судгача санация қилиш ҳамда суд бошқарувчиларини вазифасидан озод этиш тартиблари кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, давлат божи билан боғлиқ айрим нормаларни ўзаро мувофиқлаштириш, тўловга қобилиятсизлик жараёнларида кредиторлар ва қарздорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш механизмларини такомиллаштириш ҳам белгиланмоқда.

Мажлисда айтилишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши судлар фаолияти самарадорлигини янада ошириш, тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун энг қулай шароитлар яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари учун содда ҳамда ихчам қонунчилик тизимини яратишга кўмак беради.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

Яйлов ерларидан самарали фойдаланилади

Депутатлар “Яйловлар тўғрисида”ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқди.

Мамлакатимизда яйлов ерларидан самарали фойдаланишнинг замонавий моделларини жорий этиш, чўл-яйлов ўсимликлари қопламини тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш, яйловларни диверсификациялаш ва деградацияга учрашининг олдини олиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда жами 21,2 миллион гектар яйлов ерлари мавжуд. Шундан 16,3 млн. гектари Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлигининг ҳудудий яйлов хўжаликлари ҳисобида, 3 млн. гектари ўрмон фонди, 1 млн.дан ортиғи табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш ва рекреация мақсадларига мўлжалланган. Бундан ташқари, 890 минг гектар майдонлар фермер хўжаликлари, қишлоқ хўжалиги, корхона ва бошқа ташкилотлар ҳиссасига тўғри келади.

Қонун лойиҳасининг асосий мақсади — яйловлар муҳофазаси ва деградацияни қисқартириш бўйича рақамли технологияларга асосланган самарали механизмларни жорий қилиш, яйловлардан “иқтисодий актив” сифатида фойдаланиш, жамоат яйловларини ташкил этиш учун ҳуқуқий асослар яратишдан иборат.

Мазкур қонун лойиҳаси билан яйловдан фойдаланиш йўналишлари кенгайтирилиб, чорвачиликдан ташқари экотуризм, асаларичилик, доривор ўсимликлар етиштириш каби янги даромадли йўналишларда ҳам фаолиятга рухсат берилмоқда. Шунингдек, аҳоли хонадонларининг яйловлардан фойдаланишини қонунийлаштириш, чорва молларини боқишда аҳолига қулай шароит яратиш мақсадида жамоат яйловлари институти жорий қилинаётир.

Бундан ташқари, ишлатилмаётган яйловларни иқтисодий айланмага киритиш механизми (электрон аукцион, инвестиция шартномаси ва давлат-хусусий шериклик асосида) яратилмоқда. Яйловдан фойдаланиш тартиб-таомиллари маҳаллий аҳоли ва бизнес учун соддалаштирилган тарзда (ижара шартномаси ва чипта механизмлари асосида) амалга оширилиши кўзда тутиляпти.

Мажлисда қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор саволлар кўтарилди.

Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ, ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:



— Қонун лойиҳаси билан Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги махсус ваколатли давлат органи сифатида белгиланиб, унинг ваколатлари кўрсатиб берилмоқда. Қонуннинг амалдаги таҳририда ушбу агентликнинг юқори турувчи органи бўлган — Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ваколатлари белгилаб берилган эди. Агентлик Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида бўлса-да, унинг ваколатлари алоҳида кўрсатилгани ҳолда, нима учун юқори турувчи орган сифатида Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ваколатлари чиқариб ташланмоқда, яъни ушбу соҳадаги давлат бошқарувидан четда қолдирилмоқда?

Қонун лойиҳаси ташаббускорлари савол ўринли экани ва ушбу масалага ҳужжатни иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида эътибор қаратилишини билдирди.

Қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Агентлик директорига парламент сўрови юборилди

Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директори А. Зокировга “Техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш, рақамлаштириш ҳамда шаффоф ва коррупциядан холи тизимни шакллантириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида” Қонунчилик палатасининг парламент сўровини юбориш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда маҳсулотлар хавфсизлигини таъминлаш, савдодаги техник тўсиқларни камайтириш ҳамда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг рақобатбардошлигини ошириш мақсадида техник жиҳатдан тартибга солиш, стандартлаштириш, метрология ва мувофиқликни баҳолаш тизимлари ислоҳ қилинмоқда.

Мажлисда парламент сўровини юборишнинг аҳамияти, соҳада мавжуд бўлган ва ўз ечимини кутаётган айрим масалаларга тўхталиб ўтилди. Хусусан, мавжуд стандартлар базасини янгилаш, бир қанча соҳаларда тўлиқ халқаро стандартларга ўтиш ишларини жадаллаштириш, Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнида техник жиҳатдан тартибга солиш тизимининг халқаро талабларга тўлиқ мос бўлишини таъминлаш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Шунингдек, соҳада коррупциявий ҳолатларнинг, ортиқча бюрократия ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш, сертификатлаштириш тартиб-таомилларини соддалаштириш, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда юқоридагилардан келиб чиқиб, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги ишлар ҳолати, коррупциянинг олдини олиш, рақамлаштириш, стандартлар базасини янгилаш ва бошқа масалалар борасида амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш бўйича Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги директорига парламент сўрови юборилди.

«Халқ сўзи».

«Uzbekistan Airways» АЖ 2027 йил 5 апрелдан бошлаб Тошкент — Варшава — Тошкент йўналиши бўйича мунтазам тўғридан-тўғри авиақатновларни йўлга қўяди.

ИНСОН ҚАДРИ ВА ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР



1 Таъкидланганидек, Президентимиз ўтган йили 17 октябрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан учрашувда "Кучли касаба уюшмалари — кучли жамият асосидир!" деган фикрни билдирган эди. Шу маънода, кучли касаба уюшмалари, аввало, энг қуйи бўғиндан — ҳар бир ҳудудий ва тармоқ кенгашидан, ҳар бир бошланғич касаба уюшмаси ташкилотидан бошланади. Чунки бошланғич ташкилот бутун касаба уюшмалари ҳаракатининг энг муҳим таянчидир. У бевосита меҳнат жамоаси билан бирга яшайди, ходимнинг дардини эшитади, муаммосини билади, эҳтиёжини ҳис этади.

Юртимизда касаба уюшмаларининг эркин ва мустақил фаолият юритиши учун барча шароит яратилган. Бундан самарали фойдаланган ҳолда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда юртимиздаги энг йирик жамоат ташкилоти бўлган касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Хусусан, бугун Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари ижтимоий шериклик ҳамда ижтимоий мулоқот тамойиллари асосида меҳнат аҳлининг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини ҳимоялаш билан бирга, аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, бандликни таъминлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш йўналишларида ҳам тизимли ишларни бажармоқда. Сирасини айтганда, юртимиздаги янгиланиш ва ўзгаришларда Янги Ўзбекистоннинг янги касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб, ислоҳотларни қўллаб-қувватлаган ҳолда турли соҳа ходимлари манфаатларини ҳимоялаб келмоқда. Бунга охирги ўн йил давомида давлат, касаба уюшмалари ва иш берувчилар ўртасида трипартизм шаклидаги ижтимоий шерикликнинг юқори босқичга кўтарилгани ҳам ёрқин далилдир.

Тадбирда айтиб ўтилганидек, "аёллар дафтари" билан ишлаш бўйича амалга оширилган ишлар доирасида ўтган даврда мутасадди вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда 1 026 122 нафар хотин-қиз билан мулоқот ўтказилиб, уларнинг ҳаётий муаммолари, дарду ташвишлари ва эҳтиёжлари ўрганилди. Энг муҳими, ушбу ўрганишлар натижасида 1 млн. 25 мингдан зиёд хотин-қизнинг муаммоларини ижобий ҳал этишга эришилди. Бунда касаба уюшмалари давлатимиз томонидан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг фаол иштирокчиси, давлат идоралари билан аҳоли ўртасидаги ишончли ҳамкор сифатида намоён бўлди.

— Ҳозирги пайтда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимида 32 та санаторий, 84 та болалар соғломлаштириш оромгоҳи, 4 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юритмоқда, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати раҳбари Муҳаббат Ўрмонбекова. — Ушбу объектлар инсонларга наф келтириш ҳамда инсон манфаатларини амалда таъминлашга хизмат қилаётир. Яна бир эътиборли жиҳати, бугун касаба уюшмаларининг фаолияти фақат мамлакатимиз доираси билан чекланиб қолмаяпти. Хорижий давлатлардаги турдош ташкилотлар ва халқаро тузилмалар билан ҳамкорлик алоқалари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Бу эса, шубҳасиз, Президентимизнинг очиқ ҳамда прагматик ташқи сиёсати натижасидир.



Тантанали тадбирда меҳнат соҳасидаги ислоҳотларга алоҳида урғу берилди. Хусусан, мамлакатимизда мажбурий меҳнатга барҳам бериш, пахтачиликда йиллар давомида илдиз отган эски тизимни тубдан ўзгартириш борасида Юртбошимиз ташаббуси ва сиёсий иродаси билан амалга оширилган ислоҳотлар эътироф этилди. Шунингдек, касаба уюшмалари тизимида иш самарадорлигини ошириш, мазкур жараёнда ҳар бир раҳбарнинг масъулиятини янада кучайтириш, бу орқали меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш масалаларига тўхталиб ўтилди. Бунинг учун қуйи бўғин етакчиларининг билим ва малакасини ошириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, уларга зарур шароитларни яратиш ишларини янада кучайтириш зарурлиги айтилди.

Дарвоқе, сўнгги йилларда Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан якунланаётган йилнинг сарҳисоби сифатида ўзининг муносиб меҳнатлари билан Ватанимиз равнақига, халқимиз фаровонлигига, шунингдек, касаба уюшмалари ҳаракати ривожига муносиб ҳисса қўшган энг фаол, фидойи ва ташаббускор инсонлар меҳнатини эътироф этиш анъанага айланган.

Тадбирда Ватанимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни муносиб рағбатлантириш, кўп йиллик илғор иш тажрибасига эга бўлган инсонларни эъзозлаш мақсадида Касаба уюшмалари Федерацияси эълон қилган турли ижтимоий лойиҳалар ва кўрик-танловлар ғолиблари тақдирланди.

Хусусан, кўп йиллик самарали меҳнати, эришган алоҳида ютуқлари билан соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва спорт соҳаларини ривожлантириш, шунингдек, касаба уюшмаларининг нуфузини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётган юртдошларимизни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш мақсадида таъсис этилган "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати" мукофотининг 2026 йилги совриндорларига кўкрак нишони, пул мукофоти ва гувоҳнома тантанали равишда топширилди. Хусусан, миллий адабиётимиз ва маданиятимиз равнақига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан ўзбек халқининг жонкуяр ва ватанпарвар фарзанди, атоқли адиб, жамоат арбоби, Ўзбекистон халқ ёзувчиси, марҳум Одил Ёқубов ва яна 4 нафар юртдошимиз "Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси лауреати" мукофоти билан тақдирланди.

Шундан сўнг халқимиз турмуш фаровонлигини янада ошириш йўналишларидаги ишларда фаол иштирок этаётган, меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишга ва касаба уюшмалари фаолияти ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ юртдошларимизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг "Эҳтиром" нишони, Фахрий ёрлиғи топширилди. Шу билан бирга, тизимдаги фаол ходимлар, халқаро нуфузли мусобақаларда юқори натижаларни қўлга киритган спортчи ва мураббийлар, турли кўрик-танлов ҳамда номинациялар ғолиблари ҳам рағбатлантирилди.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Акмал Муҳаммадов ва Алихон Утарбеков олган суратлар.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан жорий йилнинг ўтган ўн ойи мобайнида:

- **3 мингга яқин** ходимларнинг меҳнат ҳуқуқи ҳимоя қилинди. Улар фойдасига қарийб **9 млрд. сўм** миқдорида маблағ ундириб берилди.
- **1 070** нафар ходим ўз иш жойига қайта тикланди. Меҳнат муҳофазаси бўйича **3 мингдан ортиқ** камчиликлар бартараф этилди.
- Касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда **60 минг** нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари имтиёзли соғломлаштирилди.
- **105** нафар уруш ва меҳнат фронти фахрийсининг саломатлиги тикланди.
- **331 минг** нафардан зиёд бола стационар ва кундузги оромгоҳларда дам олдирилди.
- **303 702** нафар ходим ва уларнинг оила аъзолари, **5 мингга** яқин кекса авлод вакилларининг республикамиздаги диққатга сазовор масканларига саёҳатлари ташкил этилди.

ОДАМИЙЛИК АКС ЭТГАН ТУЙҒУ

Айни пайтда Фарғона вилоятидаги 13,5 мингдан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасада жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, бу орқали салкам 600 минг нафар ишчи-ходимнинг ижтимоий ҳимояси назарда тутилган. Биргина жорий йилнинг 9 ойида давлат дастури тадбирлари доирасида вилоятдаги 6 506 та корхонада 63,5 минг нафардан зиёд ходимлар учун деярли 11 миллиард сўмлик ижтимоий кўмак кўрсатилди. Ўтган 9 ойда 11 та мурожаат асосида ишчи-ходимларнинг 60 млн. сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлари ундириб берилди.

Вилоятда йирик саноат корхоналари, кластерлар, умуман олганда, ишлаб чиқариш жараёнида меҳнат шароитлари ҳамда ходимлар фаровонлигини таъминлаш масаласи доимий эътиборда. Мисол учун, "Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ бирлашган касаба уюшмаси ташкилоти ўз сафида тўрт минг нафарга яқин ишчи-ходимларни бирлаштиради. Заводда касаба уюшмаси ва маъмурият ўртасидаги муносабатлар ижтимоий шериклик тамойилларига асосланган. Боиси икки томонлама имзоланган ва соҳадаги энг намунали ҳужжатлардан бири ҳисобланган жамоа шартномаси ишчилар манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Шу йилнинг ўтган даврида заводда меҳнат қилаётган 66 нафар ишчи-ходим шифохонада ўз соғлиғини тиклади, 78 нафари санаторийларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди, 111 нафар ишчи-хизматчи ҳамда корхона фахрийларига ижтимоий ёрдам кўрсатилди. Янги ўқув йили олдидан қарийб 2 минг нафар ходим фарзандларига ўқув қуроллари берилган бўлса, 180 нафар ўғил-қиз ёзги таътилда оромгоҳларда соғломлаштирилди. Айнан касаба уюшмаси ташаббуси билан заводда ишлаётган ёрдамга муҳтож ишчиларни мунтазам равишда озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Қонунга кўра, бошланғич касаба уюшмаси қўмитаси жорий йилда ўз йиғилишларида 23 нафар ишчи тақдири билан боғлиқ ҳамда иш берувчи ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича тақдимномаларни кўриб чиқди. Натижада ноқонуний бўлгани учун 12 та ҳолатда касаба уюшмаси қўмитаси қарорига кўра улар билан меҳнат шартномасини бекор қилишга розилик берилмади.



2026 йил январь — сентябрь ойларида вилоятда ишлаб чиқариш корхоналарида бахтсиз ҳодисалар оқибатида жабрланган ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида суғурта компаниялари маблағлари ҳисобидан 881 млн. 300 минг сўм ажратилди. Шу билан бирга, иш берувчилар томонидан 81 млн. 675 минг ҳамда касаба уюшмалари кўмагида 14 млн. 77 минг сўм миқдорида моддий ёрдам ҳамда товон пуллари тўлаб берилди.

Бугун ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, инсон қадри ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш вилоятдаги ҳар бир саноат корхонаси, ишлаб чиқариш кластери олдида турган муҳим вазифалар сирасига киради. Айни жараёнда иш берувчининг масъулиятини кучайтириш, касаба уюшмалари томонидан жамоатчилик назоратини янада самарали ташкил этиш ҳам зарур. Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича вакилларнинг фаоллигини ошириш, замонавий хавфсизлик технологияларини жорий қилиш, ходимларнинг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш янада муҳим. Зеро, хавфсиз меҳнат — ходимнинг ҳуқуқи, иш берувчининг масъулияти ва касаба уюшмаларининг устувор фаолият йўналиши.

Эркинжон НУРАЛИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти Кенгаши раиси.

ЯНА БИР СЎЛИМ БОҒ



Байрам арафасида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши ходимлари, тармоқ касаба уюшмалари вакиллари, фахрийлар ҳамда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган касаба уюшмаси аъзолари Урганч туманидаги "Касаба уюшмалари боғи"га 1 750 туп арча ва терак кўчатларини экишди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Хоразм вилояти кенгаши раиси Гулсара Қурбонбоеванинг айтишича, "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида ташкил этилган ушбу тадбирдан кўзланган мақсад боғ ҳудудини янада обод ва кўркам масканга айлантириш, атроф-муҳит мусаффолигини асраш ҳамда келажак авлод учун муносиб табиий муҳит яратишга ҳисса қўшишдир.

Ушбу боғ Президентимиз ташаббуси асосида яратилган бўлиб, унинг умумий майдони 20 гектарни ташкил қилади. Ўтган йили 35 минг тупдан зиёд 15 хил манзарали дарахт, жумладан, арча, қарағай, терак, гужум ва бошқа турдаги кўчатлар экилган эди. Шунингдек, боғ ҳудудига 3 минг донадан ортиқ атиргуллар ўтқазилди. Аҳоли учун қулай шароит яратиш мақсадида боғда 6 километр узунликда юриш ва югуриш йўлакчалари барпо этилган, 60 та замонавий ўриндиқ ўрнатилган ва 3 та айвон қурилган.

"Касаба уюшмаси боғи" аҳоли мириқиб дам оладиган, турли маданий-маърифий тадбирлар, байрамлар, оммавий учрашувлар ўтказиладиган сўлим масканга айланди.

«Халқ сўзи».

БЕМИННАТ КЎМАК ҚУВОНЧИ

Бугун мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кимё саноати маҳсулотларининг қарийб ярми "Navoiyazot" йўл-коммуникация тармоқларидан истеъмолчиларга жўнатилади. Шунингдек, минерал ўғитлар тайёрлашда "Navoiyazot"га наинки Ўзбекистон, балки Марказий Осиё минтақасида ҳам тенг келадиган турдош корхона йўқ.

Навоий вилояти саноат маҳсулотлари ҳажмида эса унинг улуши салкам 30 фоизга тенг. Бу ерда минглаб юқори малакали муҳандис, кимё технологи ва ишчи-хизматчилар меҳнат қилишади. Корхона фаолияти кимё, реакция, газлар билан боғлиқ экан, ижтимоий-иқтисодий нафи билан бирга атроф-муҳит ва жамоа саломатлигига таъсири ҳам бор гап.

Шу боис корхонада иш берувчи ва касаба уюшмаси қўмитаси ўртасидаги муносабатлар жамоа шартномаси асосида йўлга қўйилиб, ижтимоий шериклик ходимларнинг меҳнат, ижтимоий ва иқтисодий манфаатларини таъминлаш билан бир қаторда, уларнинг саломатлигини муҳофазалаш ва турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим ташаббусларда ўзининг амалий ифодасини топмоқда.

— "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши фаолиятимизда мутлақо янги саҳифа очди, — дейди корхона касаба уюшмаси қўмитаси раиси Феруза Файзиева. — Бевосита санаторий-профилакторийимизни модернизация қилишга тўхталадиган бўлсак, бундан кўзланган асосий мақсад фақат биноларни таъмирлаш ёки замонавий ускуналар билан жиҳозлаш эмас, балки ҳар бир ходимнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, меҳнат қобилиятини сақлаш, иш жараёнида тўпланган толиқишни бартараф этиш ҳамда сифатли тиббий ва соғломлаштириш хизматларидан фойдаланиши учун қулай имконият яратишдир. Шу мақсадда йил бошидан буён беш минг нафарга яқин ходимлар профилактик тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг минг нафардан зиёди жарроҳлик ва касб касалликлари бўлимларида бепул даволаниб, саломатлигини тиклади. Бундан ташқари, республикамиз ҳудудидаги санаторий ҳамда соғломлаштириш масканларида 251 нафар ходимнинг дам олиши ва саломатлигини тиклаш ишлари ташкил этилди.

Корхонада уюшма томонидан аниқ манзилли ижтимоий ҳимоя тизими йўлга қўйилиб, ёрдам, ҳақиқатан ҳам, унга муҳтож инсонларга йўналтирилмоқда. Масалан, 033-цех лаборанти Мадина Хўжаеванинг кўзида, 907-цех электромонтёри Дилшод Кенжабоевнинг қулоғида ўтказилган жарроҳлик операциялари харажатлари тўлаб берилди.

— Бахтсиз ҳодиса туфайли ишлаб чиқариш ногирони бўлиб қолдим, — дейди Азизжон Аминжонов. — Касаба уюшмасининг кўмаги билан корхонамиз томонидан протез мосламаси олиб берилиб, ҳолимдан доимий хабар олиб туришибди.

Бу каби манзилли ёрдамлар йил бошидан буён 1167 нафар ходим, 30 нафар ишлаб чиқариш ногиронлиги борларга, қарийб 300 нафар пенсионер ва 11 оилага кўрсатилди. Табиийки, бу шунчаки бир марталик тўлов эмас, балки корхонада йиллар давомида меҳнат қилган инсонларга нисбатан ҳурмат ва эътибор ҳамда жамиятимиздаги "Инсон қадри учун" тамойилининг амалий ифодасидир.

«Халқ сўзи».

ХОДИМЛАР МАНФААТИ — АСОСИЙ МАҚСАД

Ҳар бир меҳнат жамоасида ишчи-ходимларнинг ўз ўрни, ҳуқуқи ва манфаати бор. Ана шу манфаатларни ҳимоя қилиш, ходим билан иш берувчи ўртасидаги муносабатларда қонунийликни таъминлаш касаба уюшмаларининг асосий вазифаларидан.



Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университети Нукус филиалида ўтказилган учрашувда ана шу ҳақда сўз борди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси аппарат раҳбари О. Солиев, Касаба уюшмалари Федерацияси раиси маслаҳатчиси Ж. Аббосов қатнашган мулоқотда касаба уюшмаларининг бугунги кундаги устувор вазифалари, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш, жамоа шартномалари ижроси, ходимларнинг таклиф ва мурожаатларини ўрганиш масалаларига эътибор қаратилди.

Тадбирда филиал касаба уюшмаси қўмитаси раиси Г. Казахбаева касаба уюшмаси қўмитаси фаолияти, жамоада ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар хусусида тўхталди.

Байрам муносабати билан олийгоҳнинг бир гуруҳ ходимларига Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раҳбарияти томонидан ташаккурномалар ва эсдалик совғалари топширилди.

ДИҚҚАТГА САЗОВОР ЖОЙЛАРГА САЁҲАТ



"Янги Ўзбекистон — янги касаба уюшмалари" шиори остида Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси ва Федерациянинг Фарғона вилояти кенгаши фаол ишчи-ходимлари ва меҳнат фахрийлари учун Андижонга саёҳат ташкил қилди.

Саёҳат иштирокчилари Андижон вилояти тарихи ва маданияти давлат музейида, Заҳириддин Муҳаммад Бобур халқаро жамоат фонди музейи ҳамда миллий боғи, Девонабой мадрасасида бўлишди. Шунингдек, Андижоннинг сўлим гўшаларини томоша қилди.

Саёҳат иштирокчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

«Халқ сўзи».

«Ўзбекистон почтаси» АЖ Умумжаҳон почта иттифоқининг хавфсизлик стандарти бўйича «кумуш» даражадаги сертификатга эга бўлди.



ТАРИХИЙ ПАХТА ХИРМОНИ

аграр соҳада билим ва инновацияларга асосланган иш услуби ҳамда янги ёндашувларнинг юксак самараси

Бу йил юртимизда 5 миллион тоннадан ортиқ пахта хомашёси етиштирилиб, Ўзбекистон пахтачилиги тарихида янги саҳифа очилди. Бу — давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини модернизация қилишга қаратилган халқчил ислоҳотлар, илм-фан ютуқлари ва замонавий агротехнологиялар уйғунлигининг ёрқин ифодасидир. Зеро, ушбу натижа сўнгги ўн йилликда пахтачиликда шаклланган янги ёндашувлар, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, илғор инновацияларни кенг қўллаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаштириш ҳамда ҳосилдорликни ошириш туфайли қўлга киритилди.

Муносабат

Президентимиз Шавкат Мирзиёев улкан пахта хирмони бунёдкорларига йўллаган табрикда таъкидланганидек, “қишлоқ хўжалигининг юксак ва барқарор тараққиёти — бутун мамлакатимизнинг юксак ва барқарор тараққиётида устувор ўрин тутадиган омилдир”. Айни шу жиҳат деҳқон ва фермерлар, кластер ходимлари, агроном, сувчи, механизатор, олим ва мутахассислар, шу жумладан, таълим ва илм-фан муассасалари зиммасига ҳам янги масъулият юклайди.

Рақамлардаги тараққиёт акси

Олим ва мутахассислар томонидан мавсум давомида олиб борилган ўрганишларга таяниб айтганда, пахтачиликда қўлга киритилган ютуқнинг бир неча омиллари бор. Бу ҳақда сўз юритилганда, биотехнология асосида яратилган янги навлардан фойдаланилиб, экиш схемаси ўзгартирилгани, янги агротехнологик ёндашувлар асосида ресурс тежовчи технологиялар жорий этилганини, ўсимликларни зараркунанда ва бегона ўтларга қарши ҳимоя қилиш усуллари такомиллаштириб борилаётганини алоҳида таъкидлаш зарур.

Дарҳақиқат, пахтачиликда муваффақиятни мамлакатимиз аграр сиёсатидаги кейинги йилларда рўй берган туб ўзгаришлардан айри тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, илгари пахта етиштириш, асосан, экин майдонларини кенгайтириш ҳисобидан кўпроқ ҳосил олишга қаратилган бўлса, бугун бу борадаги қарашлар тамомила ўзгарган. Ҳар бир гектар ердан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш, ресурсларни тежаш ва маҳсулот таннархини камайтириш асосий мезонга айланган.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, собиқ иттифоқ даврида пахта майдонлари қарийб 2 миллион гектарни ташкил этган, бироқ ўртача ҳосилдорлик 30 центнердан ошмаган. 2000 йилда эса 1,4 млн. гектар майдондан қарийб 3 млн. тонна пахта олинган. Кейинги йилларда эса пахта майдонлари 38 фоизга қисқартирилгани ҳолда, ҳосилдорлик 2,7 баробарга ошиб, гектаридан 21 центнердан 56 центнерга етказилди. Айрим ҳудудларда эса бу кўрсаткич анча юқори бўлди: қарийб 400 минг гектар майдонда ўртача ҳосилдорлик 70 центнерни ташкил этди, 70 минг гектарга яқин майдонда эса 100 — 110 центнер ҳосил олинди. Мингга яқин фермер хўжалиги ва кластерда гектаридан 100 центнер ва ундан ортиқ пахта етиштирилгани ҳам соҳадаги имкониятлар кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бу рақамлар бизга бир муҳим хулосани беради: аграр соҳадаги тараққиётнинг асосий мезони экин майдонларининг ҳажми эмас, балки ер, сув, техника, илм-фан ва инсон салоҳиятидан қанчалик оқилона фойдаланилаётганидир.

Меҳнат маданиятининг муҳим шарти

Ғўза техник экан эмасми, унинг истиқболи кўп жиҳатдан замонавий техника ва технологиялар, механизациялаштириш даражасига боғлиқ. Шу боис пахтачиликда қўл меҳнатини камайтиришга қаратилган янгилаш жараёнлари жадаллашган. Натижада жорий мавсумда пахта ҳосилининг 85 фоизи пахта териш машинаси ёрдамида 30-35 кун ичида йиғиштириб олинди. Жиззах ва Сирдарё вилоятларида пахта теримини механизациялаштириш даражасининг 100 фоизга етказилгани эса бу борадаги муҳим амалий натижадир.

Пахта йиғим-терими мавсумида жами 3000 та пахта териш машинаси жалб этилган бўлса, шундан 1500 таси шу йил харид қилинган юқори унумли техникалардир. Қўл меҳнатидан, асосан, комбайн кира олмайдиган кичик пахтазорларда фойдаланилди, холос. Уларнинг умумий майдони қарийб 53 минг гектарни ташкил этади. Бундай ерларни келгусида пахта экишдан чиқариш режалаштирилган.

Соҳадаги энг катта стратегик йўналиш — пахтани умуман қўлда термаслик, уни машинада теришга мослаштириш вазифаси. Президентимизнинг соҳа олдига қўйган топшириқлари шундай: пахта фақат манфаат асосида, машинада терилиши керак. Шундан келиб чиқиб, 2027 йилдан Ўзбекистон далаларида пахта 100 фоиз машина ёрдамида териб олиниши мақсад қилинган. Агар бундан атиги ўн йил аввал ҳам пахтанинг деярли барчаси қўлда терилганини, механизациялаштириш даражаси эса 25 фоизга ҳам етмаганини инобатга оладиган бўлсак, аграр соҳадаги ислоҳотлар инсон манфаатлари, унинг қадрини оширишга хизмат қилаётганига яна бир карра амин бўласиз.



Шу ўринда айтиш жоизки, механизациянинг аҳамияти фақат терим муддатини қисқартириш ёки меҳнат унумдорлигини ошириш билан чекланмайди. У инсон меҳнатини енгиллаштиради, мавсумий иш жараёнларини тизимли ташкил этишга ёрдам беради, ҳосилни ўз вақтида йиғиб олиш ва маҳсулот сифатини сақлаш имкониятларини кенгайтиради. Шу маънода, замонавий қишлоқ хўжалиги техникасини бошқара оладиган, унинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини тушунадиган, техник хизмат кўрсатиш ва хавфсизлик талабларига риоя қиладиган мутахассисларни тайёрлаш долзарб вазифага айланмоқда.

Шунинг учун Тошкент давлат аграр университетида таълим жараёнини ишлаб чиқариш билан боғлаш, талабаларнинг назарий билимларини реал ишлаб чиқариш шароитида мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Тошкент трактор заводи билан йўлга қўйилган ҳамкорлик бу борада муҳим аҳамиятга эга.

> *Соҳадаги энг катта стратегик йўналиш — пахтани умуман қўлда термаслик, уни машинада теришга мослаштириш вазифаси. Президентимизнинг соҳа олдига қўйган топшириқлари шундай: пахта фақат манфаат асосида, машинада терилиши керак. Шундан келиб чиқиб, 2027 йилдан Ўзбекистон далаларида пахта 100 фоиз машина ёрдамида териб олиниши мақсад қилинган. Агар бундан атиги ўн йил аввал ҳам пахтанинг деярли барчаси қўлда терилганини, механизациялаштириш даражаси эса 25 фоизга ҳам етмаганини инобатга оладиган бўлсак, аграр соҳадаги ислоҳотлар инсон манфаатлари, унинг қадрини оширишга хизмат қилаётганига яна бир карра амин бўласиз.*



Гап шундаки, “Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш” ва “Агромуҳандислик” таълим йўналишларида таҳсил олаётган учинчи ва тўртинчи босқич талабалари учун дуал таълимнинг 4+1 шакли жорий этилди. Унга кўра, талабалар ҳафтанинг бир кунида университетда назарий ва лаборатория машғулотларида иштирок этса, тўрт кунини корхонада амалий тайёргарликка бағишлайди. Бундай ёндашув талабага қишлоқ хўжалиги техникасининг фақат тайёр машина сифатидаги кўринишини эмас, балки унинг лойиҳаланиши, ишлаб чиқарилиши, сифат назорати, техник хизмат кўрсатилиши ва хавфсиз эксплуатацияси билан боғлиқ жараёнларни ҳам англаш имконини беради. Энг муҳими, бўлажак мутахассис ишлаб чиқариш муҳитига эрта мослашади, касбий интизом ва жамоада ишлаш кўникмаларини шакллантиради.

Билим далада амалий натижага айланади

Пахтачиликда юқори самарадорликни замонавий техника ёки сифатли уруғлик билан таъминлаш кафолатламайди. Буни белгилайдиган яна бир муҳим жиҳат бор. Бу ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити, сув таъминоти, нав хусусиятлари ва агротехника тадбирлари муддатини ҳисобга олган ҳолда тўғри қарор қабул қила оладиган малакали агроном салоҳиятидир.

Шу нуқтаи назардан, “Янги агроном” дастури аграр таълимни амалиёт билан боғлаш, ёш мутахассисларни бевосита ишлаб чиқариш жараёнига жалб этишнинг муҳим механизмларидан бири ҳисобланади. Дастур доирасида Тошкент давлат аграр университетидан жами 100 нафар талаба ва магистрант иштирок этиб, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг илғор хўжаликларида амалиёт ўтамоқда.

Талабалар Мирзачўл, Арнасой, Дўстлик, Оқолтин, Мирзаобод, Бекобод, Оққўрғон, Юқори Чирчиқ ва Қуйи Чирчиқ туманларида тажрибали пахта териш машинаси операторлари ҳамда ишлаб чиқариш мутахассислари билан биргаликда амалий фаолият олиб бормоқда. Айниқса, Оқолтин туманидаги “Бобур” агрокластери, Мирзачўл туманидаги “Мирзачўл” кластери ва “Ипак йўли” ҳудуди, Юқори Чирчиқ туманидаги “Инновация ва технологиялар жорий қилиш маркази” МЧЖ ва Қуйи Чирчиқ туманидаги “Global Textile Group” кластери билан ҳамкорлик дастурнинг амалий мазмунини бойитмоқда. Мисол учун, Мирзачўл туманидаги пахта майдонлари талабалар учун муҳим амалий тажриба майдонига айланди. Бу ерда улар мавсумда фойдаланилаётган 46 та замонавий пахта териш машинаси, 300 та транспорт воситаси ва 500 та тиркама техник ҳолатини баҳолаб, иш жараёнини ташкил этиш, агротехника талабларига риоя қилиш, меҳнат ва техника хавфсизлигини таъминлаш каби касбий кўникмаларни ўзлаштиряпти. Бундай тажриба назарий билимларни мустаҳкамлаш билан бирга, бўлажак мутахассисларда мустақил қарор қабул қилиш ва юзага келган муаммоларга амалий ечим топиш қобилиятини ривожлантиради.

Дастурнинг яна бир муҳим жиҳати талабалар амалиётининг рақамли мониторингини ташкил этишдир. Ҳар бир иштирокчи бўйича алоҳида электрон маълумотлар шакллантирилиб, унда талабанинг таълим йўналиши ва гуруҳи, бириктирилган кластер, техника ва оператор, амалиётни бошлаш санаси, иш майдони, ишлаган соатлари, терилган майдон ҳажми, йиғилган пахта миқдори, фотосуратлар ҳамда геолокация маълумотлари қайд этилади.

Бу тизим амалиётни шунчаки давомат ёки ҳисобот билан баҳолашдан воз кечиб, талабанинг ҳақиқий фаолияти ва эришган натижаларини кузатиш имконини беради. Шунингдек, тўпланган маълумотлар асосида мавсумий ҳисоботларни шакллантириш, муаммоларни аниқлаш ва таълим жараёнини такомиллаштириш мумкин.

Университетда олиб борилаётган илмий тадқиқотлар пахтачиликдаги долзарб муаммоларга инновацион ечим топиш ва замонавий агротехнологияларни жорий этишга қаратилган. Жумладан, университет профессори Муниса Саидованинг илмий тадқиқотида шўрланиш шароитида ғўзанинг чидамлилигини оширишда кремний асосидаги препаратлар, хусусан, “Aminosid-Silicon”нинг самарадорлиги илмий асослаб берилган. Дала тажрибаларида ушбу препарат қўлланилганда пахта ҳосилдорлиги назоратга нисбатан 20,6 фоиз ошган. Ушбу тадқиқот натижалари ўзининг илмий-амалий аҳамияти, инновацион ёндашуви ҳамда юқори самарадорлиги билан нафақат Ўзбекистонда, балки АҚШнинг Аризона, Техас каби штатлари ва бошқа ҳудудларида амалиётга жорий этилганини қайд этиш ўринлидир.

Бу каби илмий изланишлар университетимизда аграр соҳанинг турли йўналишларида изчил олиб борилмоқда.

Аграр таълим олдидаги вазифалар

Бугун аграр соҳадаги ўзгаришлар олий таълим муассасалари олдига ҳам янги талабларни қўймоқда. Замонавий агроном ёки муҳандис рақамли технологиялардан фойдаланиш, замонавий техникани бошқариш, ресурслар сарфини таҳлил қилиш, агротехника жараёнларини режалаштириш ва ишлаб чиқаришдаги муаммоларга илмий асосланган ечим таклиф эта олиши лозим.

Шу сабабли университетда таълимни ишлаб чиқариш билан уйғунлаштириш изчил давом эттирилмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг тегишли қарорлари дастуриламал бўлмоқда. Зеро, уларда “янги агрономлар” авлодини тайёрлаш, бунинг учун таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаш ва дуал таълимни ривожлантириш вазифалари белгилаб берилган. Шундан келиб чиқиб, Тошкент трактор заводи, Агросаноатни ривожлантириш агентлиги, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги, “Leo Garden”, “Agro Light Business”, “Multi Flora”, “PROMEAT”, “Safia Cafe & Bakery” “Power Electric Group” ҳамда агрокластерлар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари талабаларнинг турли ишлаб чиқариш муҳитларида амалий тажриба орттиришига хизмат қилмоқда.

Бизнингча, дуал таълимнинг энг муҳим натижаси — талаба ўқиш даврининг ўзида меҳнат бозори талабларини англаши, ишлаб чиқариш маданиятига мослашиши ва касбий салоҳиятини намоён этишидадир. Бу эса битирувчиларнинг иш билан таъминланишига ва корхоналарнинг малакали кадрларга эҳтиёжини қондиришга хизмат қилади.

Қишлоқ хўжалигининг келажаги рақамли технологиялар билан узвий боғлиқ. Дронлар, сунъий йўлдош маълумотлари, сенсорлар, геоахборот тизимлари ва сунъий интеллект имкониятлари аграр ишлаб чиқаришда қарорларни аниқ маълумотларга асосланган ҳолда қабул қилишга шароит яратмоқда. Пахтачиликда бу технологиялар экин ҳолатини масофадан кузатиш, сув ва ўғитга эҳтиёжни баҳолаш, зараркунанда ва касалликларни эрта аниқлаш, техника ҳаракатини режалаштириш ҳамда ҳосилдорликни прогноз қилишда муҳим аҳамият касб этади. Натижада ресурслардан мақсадли фойдаланиш, ортиқча харажатларни қисқартириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш имкониятлари кенгаяди. Бироқ технологиянинг ўзи етарли эмас. Ундан самарали фойдаланиш учун рақамли воситаларни тушунадиган, маълумотларни таҳлил этадиган ва улар асосида тўғри агротехнологик қарор қабул қила оладиган кадрлар зарур. Демак, аграр таълимнинг вазифаси ҳам ўзгармоқда: энди мутахассисни фақат мавжуд технологиялардан фойдаланишга эмас, балки янги ечимларни ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишга ҳам тайёрлаш талаб этилади.

Сир эмас, ҳар қандай тарихий натижа кейинги тараққиёт учун янги вазифаларни белгилайди. Шу маънода, пахтачиликда бу йил қўлга киритилган тарихий натижалар янги марралар сари илҳомлантирмоқда. Бошқача айтганда, келгуси йилда ўртача ҳосилдорликни янада ошириш мақсад қилинган. Бунга эришиш учун сифатли уруғлик, сув ва энергия тежовчи технологиялар, замонавий техника, рақамлаштириш ва сунъий интеллект имкониятларидан кенг фойдаланиш зарур, албатта.

Тошкент давлат аграр университети жамоаси учун бу вазифалар, аввало, малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълим сифатини ошириш, илмий тадқиқотларни ишлаб чиқариш эҳтиёжларига йўналтириш ҳамда аграр тармоқ билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш масъулиятини англатади. Зеро, пахтачиликдаги бугунги муваффақиятлар замирида инсон капитали, илм-фан ва замонавий технологиялар уйғунлиги ётибди. Шу боис биз келажакда пахтачиликдаги ҳосилдорлик ва самарадорликни нафақат янги техника ёки агротехнологиялар, балки уларни яратадиган, бошқарадиган ва амалиётга татбиқ этадиган янги авлод мутахассисларининг билими ва салоҳияти билан ҳам ўлчашимиз зарур. Аграр соҳада бу билим ва инновациялар асосида ташкил этилсагина муваффақиятлар тобора мустаҳкамланиб, амалий натижалар барқарор тараққиёт манбаига айланади.

Нарзулло ОБЛОМУРАДОВ,
Тошкент давлат аграр университети ректори.

ЯНГИЛИКЛАР *хабарлар*

ТАФСИЛОТЛАР

Карманада йирик саноат лойиҳаси

Кармана туманида Ўзбекистон технологик металлар комбинати томонидан “TMK Chemicals” замонавий сульфат кислота ишлаб чиқариш корхонаси барпо этилмоқда. Умумий қиймати 54,5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган мазкур инвестициявий лойиҳа ҳудуднинг саноат салоҳиятини ошириш, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва муҳим кимёвий хомашёга бўлган эҳтиёжни таъминлашда алоҳида аҳамият касб этади.



— Корхона 6 гектар майдонда жойлашган бўлиб, йилига 500 минг тонна юқори тозаликдаги саноат сульфат кислотаси ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади, — дейди Кармана тумани ҳокимининг инновацион ривожланиш масалалари бўйича ўринбосари Ўткир Тиллаев. — Яна бир муҳим жиҳати: энергия самарадорлиги. Ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган иссиқлик энергиясидан қайта фойдаланиш орқали йилига 152 млн. кВт·соат электр энергияси ишлаб чиқариш имконияти яратилади.

Айни кунларда корхонада тайёрланадиган маҳсулотларни ташиш ва етказиб бериш жараёнларини самарали ташкил этиш мақсадида 2,5 километрлик янги темир йўл тармоғи барпо қилинмоқда. Лойиҳада ишлаб чиқариш жараёнларини тўлиқ автоматлаштириш, замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда экологик, ижтимоий ва корпоратив бошқарувнинг ESG тамойилларига риоя қилишга алоҳида эътибор қаратилган.

“TMK Chemicals” корхонасининг ишга туширилиши саноат корхоналарининг муҳим кимёвий реагентларга бўлган эҳтиёжини маҳаллий ишлаб чиқариш ҳисобидан қаноатлантириш, импортга қарамликни камайтириш ва янги технологик занжирларни шакллантиришга хизмат қилади.

Лойиҳа доирасида 240 дан зиёд доимий иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган.

Темур ЭШБОЕВ
(«Халқ сўзи»).

Голиблар хорижга боради

Арнасойда анъанага айланиб бораётган туман ҳокими кубоги доирасидаги фан олимпиадалари ёшларнинг билим ва иқтидорини қўллаб-қувватлаш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоқда. Ушбу беллашув ғолиблари ота-оналари, устозлари ва мактаб директорлари ҳамроҳлигида Хитой, БАА, Туркия, Миср каби давлатларга саёҳатга юборилмоқда.

— Дунёда бирор соҳани математикасиз тасаввур қилиш қийин, — дейди математика йўналишида биринчи ўринни қўлга киритган Бекзод Фарҳодов. — Мен бу фанни чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қиляпман. Мусобақада ҳар бир ўқувчи ўз салоҳиятини кўрсатишга, билими орқали юқори ўринни олишга интилди.

Лойиҳа илк бор 2025 йилда ташкил этилиб, ўқувчиларнинг инглиз тили бўйича билимлари синовдан ўтказилган эди. Ёшлар ўртасида катта қизиқиш ва талабдан келиб чиқиб, жорий йилда унга математика фани ҳам қўшилди. Мусобақада дастлаб мингга яқин ўқувчи иштирок этган бўлса, бу йил улар сони тўрт минг нафардан ошиб кетди.

Арнасой тажрибасининг ибратли жиҳати шундаки, билимга чанқоқ ёшлар учун энг катта рағбат — меҳнати қадрланаётганини ҳис этиш, эришган ютуқлари уларга янги марралар сари йўл очаётганини кўришдир.

Толибжон ЭРГАШЕВ
(«Халқ сўзи»).

Соҳибкордаги тропик манзара

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида иссиқхона шароитида мева-сабзавот етиштириш жадал ривожланаётган тармоқлардан бирига айланиб бормоқда. Бугунги кунда кўплаб оилалар шу фаолият билан шуғулланиб, яхшигина даромад топяпти.



Қамаши туманининг Соҳибкор маҳалласида яшовчи Тўхта Очилов ҳам бир неча йил аввал 30 сотих майдонда иссиқхона барпо этиб, унга турли цитрус мевалар кўчатларини ўтқазган эди. Бугун бу ердаги ўзига хос тропик манзара кишининг баҳридилини очади. Энг муҳими, оила бюджетига салмоқли даромад келтирмоқда.

— Айни пайтда лимон, апельсин, мандарин ва шу каби тропик иқлимга мос бўлган меваларни етиштиряпмиз, — дейди Т. Очилов. — Иссиқхона шароитида буларнинг барчасидан яхши ҳосил олиш мумкинлигини тажрибада синаб кўрдик. Цитрус меваларнинг кўчатларини етиштириб, аҳолига етказиб беришга ҳам бизни илҳомлантирмоқда.

Бугунги кунда биргина Соҳибкор маҳалласининг ўзида 300 дан ортиқ оилалар иссиқхоналарда мева-сабзавот етиштирмоқда. Шу тарика аҳоли бандлигини таъминлаш, бозорларга сара маҳсулотлар етказиб бериш ва аҳоли фаровонлигини ошириш учун замин яратилган.

Жаҳонгир БОЙМУРОДОВ
(«Халқ сўзи»).

Шанхайда бўлиб ўтган 9-Хитой халқаро импорт маҳсулотлари кўргазмаси (CIIE — 2026)да мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ҳам намойиш этилди.

www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz

Халқ сўзи
2026 йил 11 ноябрь

Конституция:



ЭРКИН ҲАЁТ ВА ЁРҚИН КЕЛАЖАК КАФОЛАТИ

ҲЕЧ КИМДАН КАМ ЭМАСЛИГИМНИ ЯНА БИР БОР ҲИС ЭТДИМ

“Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-онасининг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқишни, тарбиялашни, уларнинг таълим олишини, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топишини таъминлайди, шу мақсадда хайрия фаолиятини рағбатлантиради”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасидан.

Оғабек ХУДОЙБЕРДИЕВ (Чироқчи тумани):



— Меҳр — гул, меҳр — хазина. Меҳрли инсон эса энг мўътабар одам. Зеро, меҳрни қўмсамайдиган, унга эҳтиёж сезмайдиган инсон бўлмаса керак бу ёруғ оламда.

Гап шундаки, тўққиз ёшимда ота-онамдан айрилганман. Шундан сўнг қариндошларим мени ўз қарамоғига олди. Рости, аввалига ота-онамни соғинсам-да, етимликнинг ҳақиқий қийинчиликларини ҳис этмаган эканман. Ёшим улғайгани сари ота-онанинг қадри янада кўпроқ сезилди. Эртага нима қиламан, кимга суянаман деган хавотирдан баъзан уйқум қочарди. Аммо мактабни битиришим билан ёлғиз эмаслигимни сездим — ҳукуматимизнинг ғамхўрлигидан баҳраманд бўлдим.

Катта ҳаёт остонасидаёқ давлатимиз елка тутди: Президентимизнинг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида университетга давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиндим. Уйлангач эса давлатимиз раҳбари яна мени сийлади: туман марказида янги қурилган кўп қаватли иморатдан барча жиҳозлари билан 2 хонали уйли бўлдим. Ҳатто ҳайдовчилик гувоҳномаси олиш учун ўқиш харажатларига ҳам давлат томонидан кўмак кўрсатилди.

Шукрки, бугун ҳеч кимдан кам эмасман. Бир инсон эришиши мумкин бўлган ҳамма имкониятларга эгаман: олий маълумотлиман, касбим, оилам, уй-жойим бор. Келажагимдан эса кўнглим тўқ. Бунинг учун мени катта ҳаёт бошидаёқ қўллаб-қувватлаган, ўз йўлимни топишимда имконият яратиб берган давлатимизга раҳмат.

ФУҚАРОЛИК МАҚОМИ — УЛУҒ БАХТ

“Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14-моддаси.

Салима ХОЛДОРОВА, меҳнат фахрийси (Навоий вилояти):



— Инсон учун энг катта бахт — тинчосуда мамлакатда яшаш, ўзи хоҳлаган касб билан шуғулланиш, фарзандларни ўқитиб, комил инсон қилиб тарбиялаш.

Асли Қирғизистоннинг Бозорқўрғон туманида туғилганман. Ўрта мактабдан сўнг Тошкент давлат педагогика университетида ўқидим. Тақдир экан, ўзбекистонлик йигит билан оила қурдим. Орадан йиллар ўтди. Паспорт алмаштириш муддати келиб мутасадди идорадан Ўзбекистон фуқароси эмаслигим ҳақида ҳужжат берилганида, очиғи ҳайратдан қотиб қолдим...

Ҳеч эсимдан чиқмайди: ўша кезлар туғилган жойимда ҳам, Ўзбекистонда ҳам фуқаролигим йўқлиги боис ота уйимга бориш минг бир азоб эди. Сиёсий ҳуқуқлар ҳақида-ку, гапирмасам ҳам бўлади.

Пешонамизда яхши кунлар бор экан, Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикаси фуқаролигига қабул қилиш тўғрисида”ги Фармони чиқиб мен ва яна бир гуруҳ кишилар фуқаролик мақомини олишдек улуғ бахтни қўлга киритдик. Бу қувончни баҳам кўриш мақсадида туғилган юртим Бозорқўрғонга қанот чиқариб учдим.

Отам паспортимни қўлига олиб, ёш боладек суюнгани ҳали-ҳануз кўз ўнгимда. Ўшанда қўни-қўшнилар Ўзбекистондаги ўзгаришлару чегараларнинг очилиши, қирғиз ва ўзбекларнинг бир-бирига илиқ муносабатлари ҳақида сўрарди. Мен эса жавоб беришга улгуролмасдим...

Бугун жонкуяр ва ватанпарвар бўлмоқ бизнинг шу юрт олдидаги ҳам фарзимиз, ҳам қарзимиз. Чунки Ўзбекистон — бизнинг борлиғимиз, келажагимиз.

ТАЪРИФГА СИҒМАС ҚУЛАЙЛИКЛАР

“Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда, ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 46-моддасидан.

Жумамурат ТОРЕМУРАТОВ (Хўжайли тумани):



— Истанг даволанинг, истанг санаторийга боринг, 60 йилдан зиёд меҳнат қилиб туманимиз иқтисодиётини мустаҳкамлашга ҳисса қўшдингиз, ҳурмату эъзозга лойиқсиз дейди туманимиз катталари. Касаба уюшмаси, нуронийлар жамғармаси, маҳалла фаоллари тез-тез хабар олиб турибди. Бундай эътибор кўнгилни тоғдек кўтаради. Айниқса, кейинги йилларда Президентимизнинг қорақалпоғистонликларга меҳру муҳаббати, ёшлар учун яратиб бераётган қулайликлари таърифга сиғмайди. Э-ҳе, нимасини айтай...

Илгари Нукуснинг қиёфаси овулникидан фарқ қилмасди. Бугун ўзгаришлар салмоғи улкан. Ўнлаб кўп қаватли уйлар, янги маданий маърифий, таълим даргоҳлари пайдо бўлган. Уч-тўрт ой шаҳарга тушмаган кишининг ўзгаришлардан боши айланиб қолиши ҳам ҳеч гапмас. Мутлақо эътибор йўқлигидан номи ҳам ўчиб кетай деб қолган Мўйноқни айтинг. Кемалар қабристони сифатида кўрилган бу гўша бугун катта шаҳар, Янги Ўзбекистон қиёфасини ўзида акс эттирган сўлим гўша. Шундай бўлишини ўн йил аввал ким ўйлабди дейсиз. Худога шукр дейман. Раҳматлар айтаман Президентимизга.

Ҳеч кимнинг кўнгли ўксимайдиган, ҳуқуқи бузилмайдиган, бунга давлат кафолат берадиган замон келди. Фақат адолатга таяниб ҳалол меҳнат қилиш, ватанпарвар бўлиш, ёшларни тўғри йўлга бошлаш керак холос. Бугун ана шу ниятда овулимиз ҳаёти билан боғлиқ ободончилик ишларидан четда турганимиз йўқ, фаолман.

ИРОДАСИ КУЧЛИ ИНСОН ҚИЙИНЧИЛИКНИ ЕНГА ОЛАДИ

“Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасидан.

Сирожиддин ЖАЛОЛИДДИНОВ, иккинчи гуруҳ ногирони (Тойлоқ тумани):



— Ногиронлик гуруҳининг белгиланиши, бу ҳаётдан тўхташ дегани эмас. Инсон кимгадир юк бўлмасдан меҳнат қилиши, мақсад сари интилган ҳолда яшаши керак. Ўзимдан қиёс: меҳнатни севган инсондан дард ҳам чекинади.

Асосийси, ҳукуматимиз мени шундай пайтда ёлғизлатиб қўймади. Ўзингиз айтинг, кечагина эътибордан четда турган одам бугун давлатнинг кўмаги билан ўн нафардан ошиқ одамларнинг рўзғорига барака киритадиган тадбиркорга айланса, қувонмай бўладими?

Тойлоқ туманининг Ўртақишлоқ маҳалласида яшайман. Иккинчи гуруҳ ногирониман. Маҳалла оқсоқолининг тавсияси билан 70 сотих ер олгунча зерикишдан юрагим тарс ёрилай дерди. Уйга кираман, кўчага чиқаман, ҳали у ерим, ҳали бу ерим оғрийди. Қарангки, ерли бўлгач ғайратим жўш ура бошлади. Бугун малинанинг “Гусария” навидан экиб, томчилатиб суғориш орқали ҳосилдорликни 40 тоннага чиқаришга интиляпмиз. Ишчиларим 10 нафар, йиллик даромад эса 200 миллион сўм.

Даромадим ошиб, рўзғорим обод бўлгач маҳалланинг энг керакли одамига айландим, ногиронлигим ҳам эсимдан чиқиб кетди. Қувонарлиси, кечагина менга раҳми келиб қараганлар бугун, ҳатто олдимга маслаҳат сўраб келяпти...

Тақдиримдаги оғир синовларга қарамай меҳнат қилдим ва жамиятда ўз ўрнимни мустаҳкамладим. Албатта, бунда давлатимизнинг қўллаб-қувватлови ва ҳимояси муҳим аҳамият касб этди. Мен ҳамиша шу ерда туғилганимга, инсонпарвар жамиятда яшаётганимга шукр дейман.

ИҚТИДОР РЎЁБИГА РАҒБАТ

“Давлат уй-жой қурилишини рағбатлантиради ва уй-жойга бўлган ҳуқуқнинг амалга оширилиши учун шарт-шароитлар яратади”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 47-моддасидан.

Самандар ЖУМАЕВ, Ўзбекистон шахмат федерацияси Сирдарё вилояти ҳудудий бўлими ижрочи директори:



— Менчекка қишлоқда, оддий оилада вояга етганман. Онам уй бекаси, отам шахмат мураббийи. Болалигимдан оиламизга моддий жиҳатдан кўмакдош бўлсам деб улғайдим. Шу боис ёш бўлсамда, Гулистон шаҳридаги хусусий мактабларда шахмат фанидан дарс бера бошладим. Рости, ҳаётим ўша даврда анча қийин кечган. Чунки уйдан ишхонага бориш учун 50 километр йўл босиб ўтишга тўғри келарди. Шунча масофага ҳар куни қатнашнинг ўзи бўлмайди. Ёзнинг жазирама иссиғи, қишнинг изғирин совуғи бор дегандай. Қийналиб кетганимда, қанийди Гулистон шаҳрида бир хонали бўлса-да, уйим бўлса. Йўл азобидан қутулсам деб орзу қилардим.

Президентимизнинг шу йил 24 февралдаги “Аҳолини уй-жой билан таъминлаш ишларини жадаллаштириш ва кўп квартирали уйлар қурилишини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра менга ҳам давлат томонидан субсидия ажратилди. Шу кўмак туфайли гулистонликка айландим, шаҳарда бошпанали бўлдим. Узоқ йиллик орзуим рўёбга чиқиб, бугун мендан бахтли одам йўқ. Айни чоғда эса Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг сиртқи таълим талабасиман.

Дарвоқе, ҳаётимдаги яна бир муҳим бурилиш 2025 йил ноябрь ойида юз берди. Менга шахмат федерациясининг вилоят бўлими ижрочи директори лавозимида фаолият юритиш таклиф этилди. Йигирма ёшимда бундай масъулиятли вазифа ишониб топширилгани мен учун шараф. Бу юртимизда ёш иқтидор эгаларига яратилган улкан имкониятлар мевасидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН — УЛКАН ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

“Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасидан.

Жонибек БАХТИЁРОВ, Швейцариядаги HSLU университети талабаси, «Эл-юрт умиди» жамғармаси стипендиати:



— Буюк мутафаккирлар замини бўлган Ўзбекистон фарзандлари бугунги кунда ҳам юксак билим ва салоҳиятини дунёга намоён этмоқда. Ўзимдан қиёс: “SEAMO” халқаро олимпиадасининг бронза, “AMC” халқаро олимпиадасининг кумуш медалини қўлга киритганман. “Cambridge A-level” имтиҳонларида барча фанлардан энг юқори — “А” баҳосини олганимда, ҳатто америкалик тенгдошларим қойил қолишган...

Биласизми, математика ва шахмат гўё эгизак. Бу спорт тури менга нафақат мантиқий фикрлаш, балки сабр, қатъият, вазиятни тўғри баҳолаш ва ҳар бир қарор учун масъулият ҳиссини ўргатди. Мунтазам машғулотлар ва изланишлар натижасида уч карра Ўзбекистон ғолиби, Марказий Осиё чемпиони бўлдим. Бугун спорт усталигига номзодман.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси стипендиати бўлиш зиммамга катта масъулият юклади. Жаҳон кездим, мусофирлик дунёқарашимни кенгайтирди, дўстлар орттирдим. Баъзан турли давлатлардан бўлган тенгқурларимга Ўзбекистон, ёшлар учун берилаётган имкониятлар ҳақида гапириб берганимда, ҳавасдан кўзлари ёниб кетади. Рости, бугун юртимиздаги янгиликларга қизиқиш катта.

Давлатимиз раҳбари иқтидорли ёшларнинг бошини силаяпти, улар учун барча эшикларни очиб беряпти. Ўзбекистон ёшлари эса ҳеч кимдан кам эмас. Яқинда Бутунжаҳон саёҳат ва туризм кенгашининг йиллик йиғилишида иштирок этиб, сўзга чиққанимда юрагим ҳаприқиб кетди. Боиси бу кенгашда шу пайтгача бирорта ҳамюртимиз сўзга чиқмаган экан...

Мақсадим — “Эл-юрт умиди” жамғармаси томонидан билдирилган ишончни оқлаш ва Ўзбекистон ёшлари қандай салоҳият эгалари эканини яна бир бор дунёга намоён этиш.

ТАЪЛИМ — ЙЎЛИМИЗНИ ЁРИТУВЧИ ЧИРОҚ

“Ҳар ким таълим олиш ҳуқуқига эга.

Давлат узлуксиз таълим тизими, унинг ҳар хил турлари ва шакллари, давлат ва нодавлат таълим ташкилотлари ривожланишини таъминлайди”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 50-моддасидан.

Муслимахон УБАЙДУЛЛАЕВА, Жалақудуқ туманидаги 11-умумтаълим мактаби ўқувчиси:



— Ҳар гал ота-онам билан уларнинг мактаб давридаги ҳаёти ҳақида суҳбатлашсак, далада кечган хотираларини эслашади. Айтишларича, ердан чигит униб чиққанидан то тизза баравар қор ёққунича даладан келишмаган экан. Бундай шароитда мактабларда таълим сифати ҳақида гап бўлиши мумкинми?

Шуларни ўйларканман, бугунги кунимизга шукроналар айтаман. Ҳозир ҳаммаси бошқача. Тонгда уйғонганимиздан бошлаб то уйқуга кетгунимизга қадар фақат таълим олишимиз учун барча шарт-шароит бор. Мактабимизда асосий дарслардан ташқари қўшимча соатлар, фан тўгараклари ташкил этилган. Якка тартибдаги машғулотларни афзал билувчилар учун репетитор хизматлари бор. Фақат қунт билан илм чўққиларини эгаллашимиз керак холос.

Ўзимга келсак, вақтни беҳуда ўтказганим йўқ. Халқаро IELTS имтиҳонида 8 балл, SAT имтиҳонида эса 1530 балл тўпладим. Хулосам шуки, инсон ўз олдига қатъий бир мақсадни қўйса, шунга интилса, албатта, эришади. Айниқса, тинчлик-хотиржамлик барқарор бўлган юртимизда.

Келгусида кўплаб ёшлар сингари дунёнинг энг машҳур илм даргоҳларида таълим олмоқчиман. Ана шунда, насиб этса она Ватанимиз тараққиётига ҳисса қўша оладиган етук мутахассис сифатида иш бошлайман.

ҲУНАРДАН РИЗҚ УНАР

“Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга”.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 42-моддасидан.

Ботиржон МАҲАМАТЖОНОВ, сартарош (Нурафшон шаҳри):



— Халқимиз “Ҳунар — ҳунардан ризқинг унар” деб бежиз айтмаган. Ўзим қизиққан касбим — сартарошга шогирд тушдим. Ўша кунлари маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчиси билан кўришиб қолдик. У “Яхшиси, сиз дипломли мутахассисга айланинг, шунда мустақил иш бошласангиз бўлади”, деди. Бу гап маъқул келди ва Президентимиз қарорига мувофиқ ташкил этилган Касб-ҳунарга ўқитиш марказида 360 соатли машғулотларни ўзлаштирдим. Махсус сертификат ва ўрта махсус маълумотни тасдиқловчи диплом беришди. Ўзимга ишончим янада ошди. Ҳозир Ўрта Чирчиқ туманидаги Қайтмас маҳалласида сартарошхона очганман. Мижоз кам эмас, кунлик даромаднинг чўғи ҳам шунга яраша.

Чиндан-да, ҳунар эгаллаб адашмаганимни бугун ҳис қилмоқдаман. Чунки ўртамиёна мутахассис бўлгандан кўра, ҳунарли бўлиш ўнғай. Бугун ҳаётда қандай ютуқларга эришган бўлсам, барчаси яхши кўрган ишим туфайли. Унинг ортидан ҳурматга ҳам, эътибору эътирофга ҳам эришдим. Топган пулим рўзғорга барака бўлиб кирмоқда. Буни ўсмир укаларимга ҳам такрор айтишдан эринмайман. Ҳунарли бўлсин, жамиятда ўз ўрнини топсин дейман-да. Ва яна жиддий оҳангда такрорлайман: юртимизда камбағал бўлмаслиги учун ҳар бир ёш ўз касбининг устаси бўлиши шарт!

Мен ўз ҳунарим туфайли юртимизга нафим тегаётганидан, шу эл, шу маҳалла аҳли билан ҳамжиҳатликда меҳнат қилаётганимдан бахтиёрман.

«Халқ сўзи».

Ўзбекистонда маҳаллий маиший техника хариди учун 18 фоизли истеъмол кредитлари ажратилиши режалаштирилмоқда.

Амалиётдан маҳорат сари:

КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Олий таълимнинг бугунги асосий вазифаси битирувчи дипломни қўлга олган куниёқ иш бошлай оладими-йўқми деган саволга жавоб беришдир. Аниқроқ айтганда, сифатли таълим орқали талабада амалий кўникма шаклланадими?

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бу саволларга жавобан дуал таълим орқали назария аудиторияда, амалиёт эса маҳаллада ёки корхонада ёндашуви жорий этилди.

Таълим

Таъкидлаш жоизки, бугун нафақат мамлакатимиз, балки дунё олий таълими олдида турган умумий вазифа таълим мазмунини меҳнат бозори талаблари билан уйғунлаштиришдан иборат. Иш берувчилар битирувчиларнинг назарий тайёргарлигига таянган ҳолда уларнинг реал меҳнат жараёнига тезроқ мослашишини кутмоқда.

Тан олиш керак, олий таълим тизимида ўқув режаларида назарий машғулотлар улуши ҳамон устун. Амалиёт кўп ҳолларда қисқа муддатли бўлиб, талабаларни ўқитиш ва билимини баҳолашда иш берувчилар иштирокини кенгайтириш заруратини юзага келтирмоқда. Расман ишлаётган талабаларнинг меҳнат фаолиятини ўқув жараёни билан уйғунлаштириш ҳам кўплаб олийгоҳлар учун долзарб масаладир. Дуал таълим элементлари айнан шу масалаларга тизимли ечим сифатида қаралаётир.

Мустаҳкам қонунчилик — юксак натижалар асоси

Мамлакатимизда дуал таълимни жорий этиш учун зарур ҳуқуқий асос яратилган. 2025 йил 16 январдаги “Олий таълим тизимида дуал таълимни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг қарори ва Президентимизнинг шу йил 29 сентябрдаги “Олий таълимда дуал таълим шаклида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди.

Ушбу ҳужжатларга кўра дуал таълим — назарий қисми олий таълим ташкилотида, амалий қисми эса корхонада, яъни бевосита иш жойида ўтказиладиган таълим жараёни. Қоида тариқасида талаба ҳафтада камида икки кун назарий машғулотларни университетда, қолган кунлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмни корхонада ўтайди. Жараён университет, корхона ва талаба ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома асосида ташкил этилади.

Бошқача айтганда, дуал таълим дастури амалиёт муддатини шунчаки узайтириш эмас. У ўқув режаси, ўқув дастурлари (модуллар), ўқув ва ишлаб чиқариш амалиёти дастурларини бир тизимга бирлаштирган, талабанинг касбий кўникмаларини иш жойида шакллантиришга қаратилган яхлит жараёнлар мажмуидир.

Айтиш жоизки, университетда дуал таълим ягона андоза асосида эмас, балки беш модель орқали ташкил этилмоқда.

Биринчиси, ҳафталик алмашинув модели. Талаба ҳафтанинг беш куни университетда, бир куни ҳамкор корхонада бўлади (“5+1”) ёки бу нисбат “4+2” шаклида ташкил этилади. Яъни амалий дарс машғулотлари ҳафтанинг бир ёки икки куни кадр буюртмачиси бўлган ҳамкор ташкилот базасида ташкил этилган кафедра филиалида ўтказилиш амалиёти йўлга қўйилган.



Иккинчиси, дуал таълимга йўналтирилган мустақил таълим модели. Талабалар маҳаллаларга бириктирилиб, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича қўшимча имкониятларини ўрганиш, камбағалликни қисқартириш, иш ўринларини яратиш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли даромадларини ошириш, ўсиш захираларини аниқлаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этмоқда.

Учинчиси, корпоратив ўқув-амалий марказ модели. Бунда университет ҳудудида фаолият юритаётган ҳамкор корхона ёки ташкилот бўлинмаси, симуляцион ўқув лабораторияларида амалиётчи мутахассислар томонидан дарс машғулотлари олиб бориляпти.

Тўртинчиси, иш жойига интеграциялашган модель. Расман ишлаётган талабанинг мутахассислиги бўйича иш фаолияти таълимнинг амалий қисми сифатида ҳисобга олиниб, университет ва иш берувчи томонидан биргаликда баҳолаш амалиёти йўлга қўйилган. Бугунги кунда 1 281 нафар расман ишлаётган 3-4 босқич талабалари учун шу модель жорий қилингани иш ва ўқишни уйғунлаштириш имконини бермоқда.

Бешинчиси, дуал таълимга асосланган амалиёт модели. Талабалар ҳамкор корхона, ташкилотларга бириктирилиб, малакавий амалиёт ўташ чоғида корхонани иқтисодий ривожлантириш захираларини аниқлаш, муаммолари ечимини ишлаб чиқишда иштирок этади.

Моделларнинг асосий афзаллиги мослашувчанлигидир. Ҳар бир таълим йўналиши ўз хусусияти ва ҳамкор корхонанинг имкониятларидан келиб чиқиб маъқул моделни танлайди. Натижада корхонадаги амалиёт улушини ўқув вақтининг 17 фоизидан 47 фоизигача етказиш имкони туғилмоқда. Асосий мақсад — университет 4-курс талабаларининг 100 фоизини, 3-курс талабаларининг камида 50 фоизини дуал таълимга қамраб олиш.

Билим ва тажриба туташган майдон

Жорий йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб эълон қилингани университет ташаббусига алоҳида мазмун бағишлайди. Дуал таълим қамровини ошириш йўналишларидан бири, бу — битирувчи курс талабаларини маҳаллаларга бириктириш бўлди.

Дастлабки босқичда Тошкент шаҳрида доимий яшовчи 704 нафар кундузги таълим битирувчи курс талабалари пойтахтимизнинг 12 туманидаги 585 та маҳаллага бириктирилди. Улар ҳоким ёрдамчиси, маҳалла банкири ва маҳалла солиқчиси ёнида иқтисодий ўсиш нуқталарини аниқлаш, янги ташаббусларни илгари суриш, маҳаллаларни ривожлантириш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқишда иштирок этаётир. Кейинги босқичда эса бу жараён барча вилоятларни қамраб олади.

> **Дуал таълим — назарий қисми олий таълим ташкилотида, амалий қисми эса корхонада, яъни бевосита иш жойида ўтказиладиган таълим жараёни. Қоида тариқасида талаба ҳафтада камида икки кун назарий машғулотларни университетда, қолган кунлари ишлаб чиқариш билан боғлиқ амалий қисмни корхонада ўтайди. Жараён университет, корхона ва талаба ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома асосида ташкил этилади.**

Мазкур ёндашувнинг асосий ғояси оддий, аммо чуқур мазмунга эга. Яъни иқтисодчи бўлиб етишаётган ёшлар назарияни аудиторияда эмас, ҳаётнинг ўзида — маҳалла даражасида синовдан ўтказиши лозим.

Талабанинг маҳалладаги амалиёти эса тўрт босқичда олиб борилмоқда. Хусусан, ўрганиш босқичида маҳалла аҳолиси, бандлик ҳолати, тадбиркорлик субъектлари ва инфратузилмаси бўйича маълумотларни йиғиш ҳамда тизимлаштириш эътиборга олинади. Чекловларни аниқлаш босқичида ўсишга тўсқинлик қилаётган омилларни, жумладан, инфратузилма, молиявий ресурслар ва малака етишмовчилигини баҳолаш назарда тутилади.

Захираларни излаш йўналишида фойдаланилмаётган ер ва бинолар, меҳнат ресурслари, истиқболли тадбиркорлик йўналишларини аниқлаш, таклифлар ишлаб чиқиш босқичида эса маҳалла раиси ва туман ҳокимлиги билан келишилган, амалга ошириш мумкин бўлган чора-тадбирларни тайёрлаш кўзда тутилмоқда.

Талаба маҳалладаги амалиёти натижаси бўйича ҳудуднинг аниқ муаммоларини бартараф этишга, унинг келгуси ривожланишини белгилашга қаратилган мастер-режа ишлаб чиқади. Бундан ташқари, талаба бизнесни рўйхатга олиш тадбирларида ҳам иштирок этаётир. Эътиборлиси, бу ёндашувда талаба реал муаммо устида ишлайди, назарий билимларини амалий синовдан ўтказади, маҳалла эса мустақил таҳлилий баҳо олади, ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича асосланган маълумот олиш имконига эга бўлади.

Дуал таълимнинг самараси, аввало, ҳамкор ташкилотларнинг иштирокига боғлиқ. Бугун университетнинг 3-4-курс талабалари кадрлар буюртмачилари базаларида ташкил этилган 35 та кафедра филиалларида “5+1” схемаси асосида амалий машғулотларини ўтамоқда, банк-молия ва суғурта соҳаси, давлат органлари ҳамда йирик корхоналарда амалий кўникма ҳосил қилмоқда. Хусусан, “UNICON.UZ”да 195 нафар, Давлат активларини бошқариш агентлигида 47 нафар, “Ўзтўқимачиликсаноат” корхоналарида 40 нафар, “Алоқабанк”да 25 нафар талаба амалиёт ўтаяпти.

Ҳамкорлар сафида Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Раҳбар кадрларни баҳолаш маркази, Рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Миллий статистика қўмитаси, солиқ ва божхона идоралари бор. “Ўзбектелеком”, “UZPOST”, “Ўзбекистон темир йўллари”, Навоий конметаллургия комбинати каби йирик корхоналар, “Grant Thornton”, “Kreston” сингари аудиторлик компаниялари, кўплаб тижорат банклари ҳамда савдо тармоқлари ҳам университет билан фаол ҳамкорликда ишлаяпти.

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида дуал таълим расмий амалиётдан реал касбий тайёргарликка ўтиш воситасига айланмоқда. Бу тизимда талаба диплом билан бирга иш тажрибаси ва иш берувчининг баҳосига эга бўлади, корхона эса ўзига керакли кадрни талабалик давридаёқ тарбиялайди. Пировардида битирувчиларнинг ишга жойлашиш муддати қисқариб, олий таълим билан меҳнат бозори ўртасидаги масофа камаяди. Зеро, иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги, аввало, малакали кадрлар салоҳиятига боғлиқ.

Султонали МЕҲМОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети Ўқув ишлари бўйича биринчи проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

ТИЛ — ТАФАККУР ҚУДРАТИ, ТЕНГСИЗ ЭҲТИЁЖ

Муайян тилнинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи нимага боғлиқ? Унинг обрўси ошиши учун нима қилмоқ лозим?

Ҳар қандай миллий забоннинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеи одамларнинг унга боғлиқлик даражасидан келиб чиқади. Яъни одамнинг яшаши, ишлаши, орзу-истакларини рўёбга чиқариши учун шу лисоннинг кераклилиги даражасига боғлиқ. Қайси тилни билмасдан ҳам ўқишга кириш, яхши ишга жойлашиш, лавозимда кўтарилиш, иқтисодий мустақилликка эришиш мумкин бўлса, ўша тил аста-секин йўқолиб боради.

Мушоҳада

Таассуфки, бугун ўзбек тилига муносабатда айни шу жараён кўзга ташланмоқда. Бирор ишга киришда номзодлар иш берувчи томонидан синалади, яъни унинг салоҳияти, қобилияти, тезкорлиги, мантиқий фикрлашига баҳо берилади. Аммо улар давлат тили бўлган ўзбек забони бўйича имтиҳондан ўтказилмайди, қонун-қоидалари сўралмайди. Ҳатто Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетига ўқишга киришда ҳам номзодларнинг инглизча сўзлашуви борасидаги билими қадрли саналади. Ўзбекистонда жойлашган давлат-нодавлат ташкилотларида ишлаш учун ўзбек тилини билиш шарт эмас. Ўзбек тили олий ўқув юртига кириш имтиҳони учун важ бўлиб қоляпти.

Оддийгина қонунларни яхши билмаслигимиз, улардан фойдаланмаслигимиз, қонун бўйича эмас, кайфиятимиз бўйича иш қилишимизга ҳам тил борасидаги билимларимиздаги нуқсонлар сабаб. Чунки тўғри ва яхши яшашнинг кафолати бўлган қонунларни нафақат қўллаш, балки уни дарров тушуниб олиш қийин. Баъзи расмий ҳужжатлар тили ғализ, услубий нотўғри қурилган, уларда равонлик етишмайди. Тўғри, расмий тил кўча жаргонидан фарқ қилиши шарт. Одам ўртоғи билан гаплашган тилида қонунни ҳам “ўқиб” кетавермаслиги лозим. Лекин қонунни ишлатадиган жиҳат унинг осон тушунилиши, енгил ўқилиши, тез ёдда қолиши.

Пойтахтдан тортиб бир дона ҳам бошқа миллат вакили яшамайдиган энг чет ҳудудларгача “Мы открылись”, “Дом продаётся”, “Open”, “Close” ва ҳоказо ёзувлар кенг тарқалган. Энди иш бошлаётган тадбиркорлар-ку ўзбекча ном деярли қўймайди. Кўйса ҳам иккинчи қисми “Лимитед” сингари ўзга тилда бўлади. Бунинг сабаби нимада деб ўйлайсиз? Ўзбек андишали халқ. Ҳамиша бошқаларга ноқулайлик туғдирмасликка, ўзгаларнинг роҳатини бузмасликка, овора қилмасликка интилади. Ўша энг чекка ҳудудлардаги бегона сўзларнинг сабаби ҳам шу хусусиятимиздан келиб чиққан. Бирорта рус ёки инглиз келиб қолса, тушунмай қолмасин, деган мақсадда ёзилади. Лекин “ҳар қандай хорижлик расмий тили ўзбек тили бўлган давлатга келгач, унинг тилини тушунишга уринсин, бу давлатга нисбатан ҳурматни билдиради” деган фикр хаёлга ҳам келмайди.



Ўзбек тилининг қадри ва ҳуқуқий ҳимояси масаласига давлат тилининг қадри ва ҳуқуқий ҳимояси сифатида ёндашиш шарт. Шундагина вазият ўнгланади. Давлат тили — расмий мақом. Уни ҳурмат қилиш мажбурий. Бунга риоя этмаганлар жазога тортилади. Фақат шундай йўл билан давлат тилининг мақоми кўтарилади. Шундагина ҳар бир ўзбекистонлик нега “очиқ” дейиш мумкин бўлган жойда “открыто” ё “open” деб ёзишим керак, деб ўйлай бошлайди.

Олимларнинг аниқлашича, инсон мияси ҳар бир тушунчани тасвир билан “ёзиб” оларкан. Масалан, кўклам деганда онгимизда кўм-кўк майсалар, ёмғир деганда томчи шодалари, қон деганда қизил ранг тасвири намоён бўлади. Тилнинг миллий тафаккурни шакллантиришдаги беқиёс аҳамияти ҳам шунда. Киши сўзлаётганида мия “сандиғидан” суратларни олиб, тасвир ҳосил қилиб бораверади. Шу маънода, равон ва юксак мантиқли сўзлар инсон ақлини чархлайди, уни ижодкорликка, бунёдкорликка ундайди. Афсуски, ижтимоий ҳаётимиздаги бугунги қурама тил юртдошларимиз, айниқса, ёшлар онгида қандай манзара ҳосил қилаётганини энди тасаввур этаверинг.

Давлат тили мавқеини оширишнинг яна бир йўли — уни яхши яшаш, орзуларга эришиш кафолатига айлантириш. Айни пайтда деярли барча ёшлар, ўрта ва катта авлод ҳам инглиз тилини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилади. Бу йўлда вақти ҳамда пулини аямайди. Чунки келажагини қуришнинг энг ишончли ва самарали йўли шу эканини аниқ билади. Ўзбек тилини ўрганиш ҳам мамлакатимиздаги ҳар бир инсон учун ана шундай ҳаётий эҳтиёжга айланмас экан, давлат тилида тўлиқ ва тўғри гапира оладиган, ёза оладиганлар фақат камаяверади.

Анча олдин хориж ижтимоий тармоқларида “Марҳамат қилиб сени олийжаноблик билан ўз бағрига олган, пул топишинг учун иш берган давлат тилида гапир” деб ёзилган сурат тарқалганди. Бу жуда ўринли талаб. Ўзбекистонда ҳам ҳар бир киши онгида “Яшаш учун давлат тилини билишим шарт” деган қарорни шакллантириш ва мустаҳкамлаш керак. Кореяга ишга бориш учун корейс, АҚШ, Англияга бориш учун инглиз, Олмонияга бориш учун олмон, Японияда ишлаш ё ўқиш учун япон тилидан имтиҳон топширамиз. Нега Ўзбекистонда ўқишимиз ё ишлашимиз учун давлат тилини билиш даражамиз бўйича имтиҳон топширмаймиз? Ўзбек тили оила даврасида, маиший даражада қолиб кетаётганининг боиси шунда эмасми? Ижтимоий эҳтиёжга айланмаган ҳеч нарса ижтимоий ҳаётда яшаб қола олмайди, яъни унинг жамиятга кераги бўлмайди.

Ҳаммамиз Ватанимизни яхши кўрамиз. Шундай экан, унинг давлат тилига ҳам ҳурматимиз юксак бўлиши шарт. Биз эса ўз хоҳишимиз билан ҳаётимизни ғарблаштиряпмиз, тилимизни эса ғариблаштиряпмиз. Тилимизни биз ўзимиз иккинчи даражага туширсак, қадрламасак, ўзгалардан буни қандай талаб қила оламиз?!

Албатта, ҳукумат миқёсида ўзбек тилининг ҳам она тили, ҳам давлат тили сифатидаги мақоми, софлиги, қудрати, ижтимоий-сиёсий мавқеини ошириш йўлида амалий ишлар қилинмоқда. Аммо ўқишга кириш, демакки, яхши яшашнинг энг самарали йўли — ўзбек тилини эмас, инглиз тилини пухта билиш экан, ҳолат яхшиланмайди. Тилимиз йўқолиб бораверади. Тили йўқ миллат эса миллат эмас.

Муҳайё ЙЎЛДОШЕВА,
филология фанлари номзоди, доцент.

ҚАДАМЖОДАН ТАРАЛАЁТГАН ЗИЁ



Миллий тафаккур ва маънавиятимиз ривожи, умумбашарий тараққиёт равнақига бениҳоя катта ҳисса қўшган олиму фузалолар, диний ҳамда дунёвий илм эгалари саналган кўплаб улуғ сиймоларимиз бор. Уларнинг илмий-маърифий мероси, фалсафий қарашлари ёшлар онгу шуурига юртпарварлик, адолатпарварлик, меҳру оқибат, одамийлик, яхшилик, ҳалоллик, меҳнатсеварлик каби эзгу фазилатларни сингдиради, одамларни хайрли ишларга чорлайди. Бухородаги Хожа Баҳоуддин Нақшбанд қадамжоси ана шундай дилларга ёруғлик олиб кирувчи муқаддас зиёратгоҳлардан биридир.

Мерос

— Собиқ синфдошлар билан бу ерга келиш орзуимиз эди, — дейди андижонлик меҳнат фахрийси Феруза Бобожонова. — Шукр, ниятимизга етдик. Руҳимиз енгил, кўзимиз равшан тортди. Юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка кўз тегмасин, дея дуолар қиляпмиз.

Мажмуадаги ободончилик, қурилиш-таъмирлаш ишлари, неча йилдирки, тўхтагани йўқ. Анжуманлар зали, илмий марказ, меҳмонхоналар қурилди. Ёнатрофда боғу роғлар пайдо бўлди, йўлаклар гулга бурканди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бу ердаги бунёдкорлик ишлари янги босқичга кўтарилди. Чунончи, сақланиб қолган эски фотосуратлар, чизмалар, вақф ҳужжатлари асосида қадимий Тоқи Миёна дарвозаси ҳамда мадраса қурилди. Натижада юз йилдан сўнг қадамжонинг асосий кириш қисми яна зиёратчилар учун хизмат қила бошлади. Маҳалланинг 10 километрдан зиёд йўли асфальтланди, кўча чеккасида туну кун фаолият кўрсатувчи файзли жамоатчилик масканлари барпо этилди. Чорчинор ва Работипоён қишлоқларида муқобил энергия манбалари асосида ишловчи замонавий ёритиш мосламалари ўрнатилган. Бундай ободликни илгари тасаввурга сиғдириб бўлмасди.

— Баҳоуддин Нақшбанд бобомиз “Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл”, дея лутф қилганлар, — дейди яна бир суҳбатдошимиз, фалсафа фанлари доктори, профессор Гулчеҳра Наврўзова. — Мазкур ҳикмат қандайдир маънода бу улуғ зотнинг ҳаёт мазмунига айланган эди. У ўзининг инсонпарварлик ғоялари, қарашлари билан ислом дунёсини забт этди. Нақшбандия тариқатига асос солди.

Улуғ аждодимизнинг ўгитлари — ҳалол меҳнат билан рўзғор тебратмоқ, элга садоқат, одамлар ташвишида яшаш, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, иймонли, диёнатли бўлиш, неча асрларки, авлодлар учун йўлчи юлдуз. Буларнинг барчаси зиёрат баҳона онгу шууримизга сингмоқда. Бинобарин, дунё эътироф этган Нақшбандия тариқатининг асосини “Кўнглинг Аллоҳда, қўлинг ишда бўлсин!” шиори ҳамда ўн бир қоида ташкил этади.

Бугун шариф шаҳар миллионлаб сайёҳларни — қадриятларга, эзгуликка ошно кишиларни ўз бағрига чорламоқда. Индонезия, Покистон, Малайзия, Туркия сингари қатор давлатлардан келган фуқароларнинг буюк аждодимиз мангу қўним топган қадамжони зиёрат қилишаётганини кўриш кишига фахр бағишлайди. Мажмуа европалик сайёҳларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда. Вилоят туризм бошқармаси масъул ходими Б. Тўхсановнинг таъкидлашича, жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятга 2 млн. 600 мингдан зиёд хорижий, 4 млн. 600 минг нафардан кўпроқ маҳаллий сайёҳлар келган.

— Юртингиздаги ободлик, тарихий обидалар, самимий инсонлар, тансиқ таомлар таҳсинга сазовор, — дейди англиялик сайёҳ Каролин Эзбек. — Биз бу ерда тасаввуф тарихи, Нақшбандия тариқати тўғрисида ҳам кўпгина маълумотларга эга бўлдик. Миллий ва диний қадриятларни кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келаётган халқингизга таассанолар айтаман.

...Қадамжо тонг саҳардан зиёратчилар ва хорижлик сайёҳлар билан гавжум. Бу ерда нафақат ўзбекча, балки япон, корейс, турк, инглиз, немис, француз, араб тилларидаги сўзлар ҳам янграмоқда. Бунинг сира ажабланарли жойи йўқ. Негаки, Нақшбандия таълимоти замирида миллати, дини, тилидан қатъи назар, инсонни азиз билиш, одамлар кўнглига меҳр-шафқат, мурувват уруғини сочиш, эҳтиёжмандларга ёрдам қўлини чўзиш, улар қалбида эртанги кунга умид уйғотиш сингари олийжаноб мақсадлар ётади. Шу боис ҳам бу таълимот юракларга яқин ва мазкур гўшадан таралаётган зиё асло сўнмайди.

Истам ИБРОҲИМОВ
(«Халқ сўзи»).

Сўнгги ўн йилда мамлакатимиз электротехника саноатига 2 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 413 та янги ишлаб чиқариш қуввати ишга туширилди.

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2026 йил 11 ноябрь

БИЛИМЛИ АВЛОД — БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ТАЯНЧИ

Таълимга ажратилган инвестиция — келажакка йўналтирилган сармоя. Эътибор беринг, янги қурилган завод беш-олти йилда ўзини оқлаши мумкин, сифатли таълим олган, пухта тайёргарликка эга мутахассис эса қарийб қирқ йил давомида иқтисодиётга қиймат яратади.

Нуқтаи назар

Айтиш жоизки, иқтисодий ўсишнинг иккита асосий манбаи бор, яъни кўпроқ ресурс жалб қилиш ёки мавжуд ресурслардан янада самарали фойдаланиш. Биринчи йўл кўпроқ ишчи кучи, ер, энергия ҳамда хомашёдан фойдаланишни ўз ичига олса, иккинчи йўл меҳнат унумдорлигини оширишни назарда тутади. Бу эса билим, малака, инновация ва илғор технологиялар орқали таъминланади. Айнан шу нуқтада таълимнинг иқтисодиётдаги ўрни янада яққол намоён бўлади. Жаҳон банки маълумотларига кўра, ривожланган мамлакатларда миллий бойликнинг 60 — 70 фоизини инсон капитали ташкил этади.

Демак, замонавий иқтисодиётда бойликнинг асосий қисми ер остидаги табиий ресурслар ёки заводларида эмас, балки инсонларнинг билими, тажрибаси ҳамда касбий маҳоратида мужассам бўлади.

Мамлакатимизда белгиланган еттита миллий дастурнинг биринчиси айнан инсон капиталини ривожлантириш, билим ва малакани тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига айлантиришга қаратилгани ҳам бежиз эмас. Чунки меҳнат унумдорлигини ошириш ҳақидаги ҳар қандай жиддий иқтисодий мулоҳаза, охир-оқибат, таълим сифати, мутахассис тайёрлаш ва инсон салоҳиятини рўёбга чиқариш масаласи билан чамбарчас боғланади.

Таълим ва меҳнат бозори

Шу ўринда таълим қамровидаги ўзгаришларга эътибор қаратсак. Сўнгги йилларда олий таълим билан қамров 9 фоиздан 45 фоизгача, яъни беш баробар ошди. Мактабгача таълим қамрови эса 27,7 фоиздан 78 фоизга кўтарилди. Бу мамлакатимиз таълим тизимидаги кенг кўламли ўзгаришлар ва аҳоли учун яратилган имкониятлар натижаси, албатта.

Бироқ таълим қамровининг кенгайиши билан бирга, меҳнат бозорига кириб келаётган ёш мутахассислар сони ҳам ортиб боряпти. Жорий йилда олийгоҳларни қарийб 320 минг нафар талаба битириши кутилмоқда. Ҳар йили шунча ёшни муносиб иш ўринлари билан таъминлаш эса нафақат таълим тизими, балки бутун иқтисодиёт олдида турган муҳим вазифадир.

Бу борада Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг “Битирувчилар сифати индекси” платформаси муҳим маълумотларни тақдим этмоқда. Унда 170 та олий таълим ташкилотининг 249 432 нафар битирувчиси ҳолати ўрганилган. Натижаларга кўра, 206 951 нафар битирувчи ёки умумий кўрсаткичнинг 83 фоизи иш билан банд. Уларнинг ишга жойлашиши учун ўртача 3 ой 5 кун вақт талаб қилинган.

Бир қарашда, бу ижобий кўрсаткич. Аммо масаланинг иккинчи томони ҳам бор, яъни 41 мингдан ортиқ битирувчилар ҳали иш топа олмаган. Энг муҳими, иш билан банд, деб қайд этилган битирувчиларнинг қанчаси айнан ўз мутахассислиги бўйича фаолият юритаётгани ҳақида ҳам ўйлаб кўриш керак. Чунки таълимнинг иқтисодий самарадорлиги фақат диплом олиш ёки ишга жойлашиш билан чекланмайди. Мутахассиснинг олган билимини амалиётда қўллай олиши, ўз касби бўйича ишлаши ҳамда меҳнат бозорида барқарор ўрин эгаллаши ҳам жуда муҳим.



Назаримизда, бу борадаги номутаносибликнинг учта асосий сабаби мавжуд. Яъни таълим дастурлари меҳнат бозори талабларидан ортда қолмоқда. Замонавий иқтисодиётда касб ва мутахассисликларга қўйиладиган талаблар икки-уч йил ичида ўзгариши мумкин. Айрим ўқув режалари эса узоқ йиллар давомида деярли ўзгаришсиз қолиб кетяпти. Натижада битирувчи назарий жиҳатдан тайёргарликка эга бўлса-да, иш берувчи талаб қилаётган янги кўникмаларни етарлича эгалламаган бўлиши мумкин.

Қолаверса, ёшлар танлаётган касблар билан иқтисодиётга зарур бўлган мутахассисликлар ўртасида тафовут бор. Абитуриент кўпинча касб танлашда ота-онаси ёки яқинларининг маслаҳатига таянади. Бироқ уларнинг тасаввури кўп ҳолларда ўн йил аввалги меҳнат бозори талаблари билан шаклланган бўлади. Ҳолбуки, бугун иқтисодиётга қандай мутахассислар кераклиги ҳамда эртага қайси касбларга талаб ортиши ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиш зарур.

Бугун амалий кўникмалар назарий билимлар билан ҳамқадам бўлиши зарур. Битирувчи муайян атама, қоида ёки назарияни яхши билиши мумкин, аммо реал иш жараёнида аниқ вазифани мустақил бажаришда қийналиш ҳолатлари ҳам кузатилади. Рақамли кўникмалар бўйича ўтказилган тадқиқотлар ҳам ишга жойлашиш натижалари формал дипломдан кўра амалий компетенцияларга тобора кўпроқ боғланиб бораётганини кўрсатмоқда. Натижада давлат ҳам, оила ҳам таълимга сарфлаган маблағининг маълум бир қисмини иқтисодий натижа сифатида қайтара олмаяпти. Демак, энди асосий эътиборни таълим қамровини ошириш билан бир қаторда, унинг натижадорлигига эътибор қаратиш муҳимдир.

Интеграцияни кучайтиришга қаратилган янги ёндашув

Бугунги кунда таълим тизими олдида турган энг муҳим вазифалардан бири — меҳнат бозори талабларига жавоб берадиган, замонавий билим ва амалий кўникмаларга эга мутахассисларни тайёрлаш. Чунки олий таълим муассасаларида берилган назарий билимлар амалиёт билан уйғунлашмаса, битирувчиларнинг ишга жойлашишида муайян қийинчиликлар юзага келиши мумкин. Шу боис таълим муассасалари билан иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, талабаларни ҳали ўқиш жараёнидаёқ келажакдаги касбига йўналтириш муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда бу борада муайян механизмлар ишга туширилган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан иш берувчиларнинг 2-курсдан юқори талабаларнинг шартнома тўловларини қоплаб бериши ва уларни ўқишни тамомлагандан сўнг ишга қабул қилиши тартиби белгиланган. Ушбу механизм доирасида ходимлари сони 50 нафардан ортиқ ёки инвестиция лойиҳаси қиймати камида 1 миллион доллар бўлган ташкилотлар буюртмачи сифатида иштирок этиши мумкин. Шунингдек, битирувчини ишга қабул қилган тадбиркорларга имтиёзли кредит бериш амалиёти ҳам йўлга қўйилган.

Бу таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган муҳим ёндашув. Аммо унинг самарасини янада ошириш учун айрим жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ.

Жумладан, меҳнат бозори прогнози таълим буюртмасининг асосига айланиши керак. Қайси соҳада беш йилдан кейин қанча мутахассисга эҳтиёж бўлиши олдиндан ҳисобланмаса, қабул квоталарини белгилаш кўп ҳолларда тахминларга асосланиб қолаверади. Шу боис таълим

> *“Сўнгги йилларда олий таълим билан қамров 9 фоиздан 45 фоизгача, яъни беш баробар ошди. Мактабгача таълим қамрови эса 27,7 фоиздан 78 фоизга кўтарилди. Бу мамлакатимиз таълим тизимидаги кенг кўламли ўзгаришлар ва аҳоли учун яратилган имкониятлар натижаси, албатта.”*

муассасалари, иш берувчилар ҳамда масъул ташкилотлар меҳнат бозорининг ўрта ва узоқ муддатли прогнозлари асосида ишлаши лозим. Бундан ташқари, иш берувчилар таълим дастурларини шакллантиришда бевосита қатнашиши керак. Уч томонлама шартномалар фақат талабанинг шартнома тўловини қоплаш билан чекланиб қолмаслиги ҳам жуда муҳим. Иш берувчи ўқув режаси, амалий машғулотлар, малака амалиёти ва мутахассисга қўйиладиган талабларни белгилашда ҳам иштирок этса, таълим натижалари меҳнат бозори эҳтиёжларига яқинлашади.

Қолаверса, касб-ҳунар таълимининг нуфузини ошириш бугунги кун талабидир. Иқтисодиётга айрим ҳолларда олий маълумотли менежердан кўра малакали пайвандчи, оператор ёки технолог кўпроқ керак бўлади. Бу ҳақиқатни муносиб иш ҳақи, меҳнат шароити ҳамда касбий ўсиш имкониятлари орқали намоён этиш лозим. Чунки ҳар бир касбнинг жамият ва иқтисодиётда ўз ўрни, ўз қиймати бор.

Шу билан бирга, умрбод таълим олиш тизимини ривожлантириш керак. Бугун бир марта олинган диплом инсоннинг қирқ йиллик меҳнат фаолияти давомидаги барча эҳтиёжини қоплай олмайди. Технологиялар янгиланади, касбларга талаб ўзгаради, турли йўналишлар пайдо бўлади. Шунинг учун қайта тайёрлаш ҳамда малака ошириш курслари ихтиёрий қўшимча имконият эмас, балки касбий ҳаётнинг табиий қисмига айланиши зарур.

Яна бир муҳим жиҳат, таълимни молиялаштириш натижадорлик билан боғланиши шарт. Битирувчиларининг иш билан таъминланиш кўрсаткичлари, касбий фаолияти барқарорлиги ва меҳнат бозоридаги талаб юқори бўлган таълим дастурларини рағбатлантириш механизмларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ. Бу ерда гап таълимни оддий бозор муносабатларига бўйсундириш ҳақида эмас, аксинча, ажратилаётган маблағнинг жамият ҳамда иқтисодиёт учун бераётган натижасини ҳисобга олиш ҳақида бормоқда.

Узоқ муддатли ва ишончли инвестиция

Табиий бойликлар бир кун келиб тугайди, бозор конъюнктураси ўзгаради, технологиялар эскиради. Аммо билимли ва малакали халқ ҳар қандай шароитда янги имкониятларни излаб топиш, муаммоларга ечим яратиш ҳамда тараққиёт йўлини давом эттириш салоҳиятига эга.

Ресурсларга таянган иқтисодиёт билан билим ва инновацияларга асосланган иқтисодиёт ўртасидаги асосий фарқ ҳам шунда, яъни биринчиси мавжуд бойликлардан фойдаланишга таянса, иккинчиси, инсон тафаккури, меҳнати ҳамда яратувчанлик имкониятлари орқали янги бойлик яратади.

Мутахассислар таъкидлаганидек, инсон капиталига сармоя киритиш келажакка инвестиция қилиш демакдир. Аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этадиган мамлакат учун бу шунчаки чиройли ибора эмас. Бу демографик имкониятни иқтисодий дивидендга айлантиришнинг муҳим шарти ҳам.

Маълумотларга қараганда, жорий йил учун Давлат бюджетидан таълим соҳасига 100,3 триллион сўм ажратилган. Бу бугунги авлоднинг эртанги кунга йўналтираётган сармояси, десак, муболаға эмас. Унинг самараси бир йилда ёки битта таълим дастури муддатида тўлиқ намоён бўлмаслиги мумкин. Аммо бу инвестиция маълум муддатдан сўнг, албатта, натижалар беради. Шу боис таълимни фақат бюджет харажати сифатида эмас, балки мамлакатнинг иқтисодий мустақиллиги, рақобатбардошлиги ҳамда узоқ муддатли тараққиётини таъминлайдиган стратегик инвестиция сифатида баҳолаш керак.

Энг муҳими, ажратилаётган ҳар бир маблағ инсоннинг билими, касбий маҳорати, меҳнат унумдорлиги ва иқтисодиётдаги реал натижасига айланмоқда. Бу жараёнларда таълим қамрови билан бир қаторда сифат, амалий кўникма, бандлик мезонларига ҳам устувор аҳамият бериш айни зарурат.

Ҳасан СОБИРОВ,
Халқаро Нордик университети
Иқтисодиёт ва бизнесни бошқариш кафедраси мудири,
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент.

ЯНА БИР БИЗНЕС МАЖМУА

Фарғона шаҳридаги “Ифтихор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида “Yuksalish Group” компанияси томонидан дунёнинг мегаполис шаҳарлари тажрибаси асосида “Farg‘ona-1” йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган. Умумий қиймати 290 млн. доллар бўлган мазкур лойиҳа доирасида 7 гектардан ортиқ майдонда 2 700 дан зиёд хонадонларга мўлжалланган 16 қаватли тураржой бинолари, дам олиш масканлари, автотураргоҳлар ҳамда турли хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этилади.



Интилиш

Бундан ташқари, уч қаватли замонавий савдо-кўнгилочар мажмуаси ва иккита 20 қаватли бизнес маркази қурилади.

Лойиҳанинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бошқарув ва хизмат кўрсатиш жараёнларида рақамли технологиялар, робототехника ҳамда сунъий интеллект имкониятларидан унумли фойдаланиш кўзда тутилган.

— Яқин истиқболда савдо-кўнгилочар мажмуасига жаҳонга машҳур 80 та халқаро брендни жалб этиш мақсад қилинган, — дейди “Yuksalish Group” компанияси асосчиси Анвар Темиров. — Замонавий бизнес марказлари эса тадбиркорлар ва инвесторлар учун қулай иш муҳитини шакллантириш, ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда янги бизнес ташаббусларини ривожлантиришга хизмат қилади.

Ботир МАДИЁРОВ
(“Халқ сўзи”).

«РАҲБАР КУБОГИ»: УЧ КУНЛИК БЕЛЛАШУВ

Президент, ижод, муҳандислик, ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчилари ўртасидаги “Раҳбар кубоги” спорт мусобақаларининг жорий йилги республика босқичи Сирдарё вилоятида ўтказилди.



Эртанинг умиди

— Анъанавий тус олган ушбу тадбир ўқувчиларнинг спортга қизиқишини янада оширади, — дейди Ҳалима Худойбердиева номидаги ижод мактаби директори, сенатор Покиза Аҳмеджанова. — Ўқувчиларнинг спортнинг бирор тури билан мунтазам шуғулланиши учун эса ҳар жиҳатдан қулай шароит ва имкониятлар мавжуд. Бу йилги мусобақага мезбонлик қилган бизнинг мактабимиздаги замонавий шароитларни бунга мисол келтириш мумкин.

Эътироф этиш лозимки, спорт мусобақалари доирасидаги маданий тадбирлар дўстлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни улуғлагани билан аҳамиятли бўлди. Уч кун давом этган беллашувлар Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлиги тизимидаги ўқув даргоҳлари ўқувчиларининг фақат билим олишгагина эмас, спортга ҳам иштиёқи баландлигини кўрсатди. Мусобақалар шахмат ҳамда минифутбол спорт турлари бўйича ташкил этилди.

Якуний натижаларга кўра, шахмат бўйича ўғил болалар ўртасидаги мусобақада Тошкент шаҳридан Жаҳонгир Комилов, қизлар ўртасидаги беллашувда эса самарқандлик Шарофатбегим Сайдуллаева биринчи ўринни қўлга киритди. Пойтахтимиздаги Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактаб жамоаси минифутбол бўйича биринчи ўринни эгаллаб, “Раҳбар кубоги” соҳиби бўлди.

Голибларга Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Ихтисослаштирилган таълим муассасалари агентлигининг дипломи ҳамда қимматбаҳо совғалари тантанали топширилди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ
(“Халқ сўзи”).

ВИРТУАЛ ОЛАМНИНГ КЎРИНМАС ТАҲДИДЛАРИ

Алоуддиннинг сеҳрли чироғи ҳақида билмаган одам бўлмаса керак. Таъбир жоиз бўлса, бу “сеҳрли чироқ” бугун ҳамманинг қўлида бор — смартфон. Унинг ҳам юзини силаб турсангиз бас, эҳ-ҳе... нима кароматлар кўрсатмайди, дейсиз. Кўлимиздаги бир қарашда шу оддий матоҳ нафақат чексиз имкониятлар эшиги, балки инсон тақдирини остин-устун қилиб юборувчи хавфли қуролга айланиши ҳам мумкин. Яқинда ҳамма ҳавас билан қарайдиган бир оиланинг бинойидек фарзанди ҳақида шов-шув тарқалди. Интернет орқали қандайдир қимор ўйинига 100 минг АҚШ доллари тикиб ютқазиб қўйибди. Оқибатда миниб юрилган машиналар, ишлаб турган дўконлар сотилди. Бундай мисоллар эса, афсуски, оз эмас...

Мулоҳаза

Бугун ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу имконият ишимизда, турмушимизда турли қулайликлар бераётгани баробарида оқилона ва эҳтиёткорона фойдаланмаслик оқибатида кўнгилсиз ҳодисаларга ҳам йўл очмоқда. Мисол учун, кибержиноятчиликни олайлик, ҳозирда унинг 60 дан ортиқ турлари мавжуд. Айниқса, шахсий маълумотларни ўғирлаш, сунъий интеллект орқали овоз ва юз қиёфасини ўхшатиш, зарарли файлларни тарқатиш тобора авж оляпти.

— Ростини айтсак, интернет билан боғлиқ муаммолар кўплаб хонадон эшигини қоқиб кириб келяпти. Илгари ёшлар нима билан банд, ким қаерга кетяпти — кўз ўнгимизда эди. Ҳозир эса улар гўё уйдаю аммо глобал тармоқлараро қаерларда “юрибди”, билмайсиз, — дейди Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги “Татар” МФЙ раиси Тошпўлат Бердиев. — Шунинг учун маҳаллада фақат огоҳлантириш билан чекланмай, ёшлар ўртасида очиқ мулоқотлар ўтказяпмиз. Уларда имом-хатиб, психолог, тажрибали устозлар билан биргаликда “Интернетда кимга ишониш мумкин, кимга йўқ?” деган саволларга жавоб беряпмиз. Чунки ёшларнинг ҳушёрлигини оширсак, уларда интернетдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантирсак, кўнглимиз тинчийди.

Уч фарзанднинг онаси бўлган суҳбатдошимиз Ҳабиба Жамолова эса шундай дейди:

— Илгари “болам уйда, демак, хавфсиз” деб хотиржам юрардим. Кейин тушундимки, телефон ҳам кўчадан кам эмас экан. Фарзандим ўқишдан ҳайдалишига оз қолди — сериаллар кўришга муккасидан кетиб, дарс қилмай қўйгани учун! Ўғлим билан суҳбатлашиб, нималар кўраётганини сўраб, бирга муҳокама қила бошладик. Тақиқлаганимизда эмас, отаси билан биргаликда тушунтирганимизда таъсир бўлди. Энг муҳими, бола ота-онасига ишониши керак. Агар бола саволларига уйда жавоб топмаса, кўчадан ахтаради, интернетдан излайди. Шу ўринда, бир ривоят эсимга тушди. Бир йигит дўстини қидириб, унинг уйига борибди. Чақирса, дўстининг отаси чиқиб келибди. Салом-аликдан сўнг йигит дўстини сўрабди. Отахон: “Фалон жойда катта бир кунда бор, ўғлим шуни кавлагани кетди”, дебди. “Қачон қайтади?” сўрабди йигит. “Агар у кунданинг атрофини кенгроқ олиб кавласа, ишини тезда битириб, ҳадемай келиб қолади. Кунданинг фақат тагинигина кавлаб чиқармоқчи бўлса, кўп овора бўлади, ҳали-бери келмайди”, дея жавоб берибди донишманд чол. Демак, илдизи чуқур кетган ҳар қандай муаммога ечим топиш учун шу масаланинг атрофини кенгроқ олишга тўғри келади.

Шу маънода, виртуал макондаги хавф-хатарларни фақат “тақиқлаш”, “ёпиш”, “чеклаш” орқали бартараф этишга уриниш кунданинг фақат тагини кавлашга ўхшайди. Бундай ёндашув қисқа муддатли таъсир бериши мумкин, аммо муаммонинг илдизига олиб бормайди. Чунки ёшларни интернетга бошлаб келаётган сабаблар: билимга чанқоқлик, ўзини англаш истаги, адолат қидириши, жамиятда ўз ўрнини топиш иштиёқи — барчаси табиий ва қонуний эҳтиёжлардир.

Ўзбекона қадриятларимизга назар ташласак, бу каби масалаларга ечим калити, аввало, оиладан бошланишини кўрамиз. Оила, маҳалла, мактаб ва ОАВ ёшлар онгини шакллантирувчи асосий куч ҳисобланади. Ана шу ҳалқа узилмаса, виртуал тузоқлар ҳам ўз кучини йўқотади.

Ғолиб БАҲРОМОВ
(“Халқ сўзи”).

Миллий статистика қўмитаси томонидан эълон қилинган охирги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинган болалар сони тарихда илк бор 2,5 миллионлик довондан ошди.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1142. 17 559 нусхада босилди, ҳажми — 4 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53;
эълонлар 71-259-74-87.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегматов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.
Навбатчи муҳаррир — А. Алиқулов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 03.50 Топширилди — 03.55 1 2 3 4 5 6